Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

# UZLUKSIZ TA'LIM

ILMIY-USLUBIY JURNAL

2019, № 5

***ДЖУРАЕВ Рисбой***
Бош муҳаррир

Журнал 2001 йилдан нашр қилина бошлаган.
Ўз МААдан 2007 йил 3 январда № 0101-тартиб рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналда эълон қилинган мақолалардан иқтибос олинганда «Узлуксиз таълим» журналидан олинганлиги кўрсатилиши лозим.

## Таҳрир ҳайъати:

*Шерзод ШЕРМАТОВ*
*Баходир СОБИРОВ*
*Рахманкулова НАРГИЗА*
*Бахтиёр ДОНИЁРОВ*
*Собитхон ТУРҒУНОВ*
*Холбой ИБРАГИМОВ*
*Шавкат ҚУРБОНОВ*
*Роҳатой САФАРОВА*
*Ислом ЗОКИРОВ*
*Абдусалом УМАРОВ*
*Одил КУЙСИНОВ*
*Лобар КАРАХАНОВА*

## Таҳририят манзили:

100027, Тошкент ш.,
Фуркат кўчаси,
174-уй.

ЎзПФИТИ

Тел.: 0371-245-92-34

e-mail: uzluksiztalim_jurnal@mail.ru
liya_2305@mail.ru

## ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

3 ***Р.Х.Джураев, М.Э.Иноятова***
Таълим субъектларини оммавий маданиятга қарши ватанпарварлик руҳида тарбиялаш имкониятлари
8 ***И.Б.Хушмуродова***
Узлуксиз таълимда педагогик диагностикадан фойдаланиш механизмлари
13 ***В.А.Атаева***
Uzluksiz ta'lim jarayonida iqtidorli yoshlar bilan ishlash
17 ***Д.Мўминова***
Болалар китобхонлигини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш
22 ***М.Қаландарова***
Индивидуал ёндашув асосида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-билув жараёнини узлуксиз ташкил этиш
26 ***Г.А.Артикова***
Узлуксиз таълим тизимида математика дарсларини ташкил этишнинг дидактик асослари таснифлари
31 ***И.И.Туйчиева***
Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг фикрлаш фаоллигини узлуксиз ривожлантиришнинг ўзига хос педагогик-психологик хухусиятлари
36 ***З.Х.Палибаева***
Эффективность освоения психолого-педагогических основ оптиматизации учебно-тренировочных занятий средствами функциональной музыки в системе непрерывного образования
40 ***О.И.Зуфарова***
Стили принятия решения
43 ***И.Г.Галущенко***
Развитие непрерывного музыкального образования в Республике Узбекистан

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИАТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

47 ***А.Д.Аскаров***
Педагоглар малакасини узлуксиз масофадан оширишнинг бошқарув муҳити ва унинг тузилмаси
52 ***Ф.А.Абдуллаев***
Таълим жараёнининг сифат менежментида ахборот хизмати тизимини моделлаштириш
57 ***Г.Н.Юнусова, А.Туйчиев***
Узлуксиз таълимда инглиз тилидаги «Ахборот технологиялари» масофавий онлайн ресурси хақида
62 ***О.А.Каримжанов***
Узлуксиз таълим тизимида чақириққача ҳарбий таълим мутахассислиги ўқитувчиларининг АКТ бўйича компетентлигини ривожлантириш

## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

67 ***И.А.Юлдашев***
Ўқувчи-ёшлардаги фаол ижтимоий фаолиятни шакллантиришда таълим муассасаси ва оиланинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти
72 ***С.Норбоева***
Талаба-ёшларнинг маънавий компетентлилигини ривожлантириш – муҳим педагогик муаммо сифатида

## КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

77 ***Р.Б.Ярматов***
Узлуксиз таълим тизимида бўлажак тарих ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот ишларини ташкилий, психологик-педагогик такомиллаштириш
82 ***Д.И.Қодирова***
Таълим менеджерининг касбий компетентлилигини узлуксиз ривожлантириш зарурияти
87 ***Х.Ш.Кадиров***
Ўқувчи-ёшларда касбий сифатларни ривожлантиришда узлуксиз таълим самарадорлиги
92 ***А.В.Шин***
Важность инновационых педагогических технологий в системе профессионального образования

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

97 ***Д.Авезмуратова***
Инглиз тилини узлуксиз ўқитиш асосида таҳсил олувчиларда ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш
102 ***Д.Б.Таджиев***
Узлуксиз таълимда инглиз тилини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган муаллифлик технологиялари
107 ***З.Р.Каримова***
Некоторые вопросы эффективного преподования иностранных языков в системе школьного и вузовского образования

# ТАЪЛИМ СУБЪЕКТЛАРИНИ ОММАВИЙ МАДАНИЯТГА ҚАРШИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Р.Х.ДЖУРАЕВ,**
*п.ф.д.,академик*
**М.Э.ИНОЯТОВА,**
*п.ф.н., к.и.х*

*Узлуксиз умумий ўрта таълимнинг барча босқичларида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш уларда юксак ахлоқий фазилатларни қарор топтиришнинг негизини ташкил этади. Шунга кўра, мақолада умумий ўрта таълимнинг бошланғич ва ўрта босқичида узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари асосида ватанпарварликни тарбиялаш, бунда Шарқ алломалари меросидан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.*

***Таянч сўз ва иборалар**: оммавий маданият, тарбия, ватанпарварлик, "Ватан туйғуси" дарслари, дидактик материаллар.*

*Патриотическое воспитание учащихся на всех этапах непрерывного образования является основой для установления в них высоких нравственных ценностей. Соответственно, статья подчеркивает потенциал для развития патриотизма через принципы преемственности и преемственности в начальном и среднем уровнях общего образования, а также использование наследия восточных ученых.*

***Ключевые слова**: массовая культура, воспитание, патриотизм, уроки «Чувства Родины», дидактические материалы.*

*The patriotic education of students at all stages of continuing education is the basis for establishing high moral values in them. Accordingly, the article emphasizes the potential for the development of patriotism through the principles of continuity in the primary and secondary levels of general education, as well as the use of the heritage of Eastern scholars.*

***Key words**: mass culture, education, patriotism, lessons "Feelings of the Motherland", didactic materials.*

Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Шунингдек, мазкур фалсафий-ахлоқий таълимотлар халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борган. Мустақилликдан сўнг, ниҳоят, узилиб қолган тарихий илдизимизга қайтиш, тарбияга оид бой меросимиздан кенг фойдаланиш имкони туғилди. Эндиликда келажаги буюк давлатимиз ана шу шарқона фалсафага уйғун ҳолда, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур,

Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим.

*Биз оммавий маданиятга қарши ёшларда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини тарбиялашимиз, юксак халқ миллий маданияти нима эканини ёшлар онгига сингдиришимиз зарур. Тарбиянинг ушбу муҳим йўналиши мактабгача таълим давридан бошлаб, узлуксиз таълимнинг барча босқичларида узвийлик ва изчиллик тамойиллари асосида таълим-тарбия субъектларига сингдириб борилиши лозим.* Бунда дарслик, қўшимча ўқув материаллари, дарс ишланмалари муҳим ўрин тутади. Биринчи навбатда, ижтимоий-гуманитар фанларни, жумладан, “Ватан туйғуси” фанини ўқитишда “оммавий маданият”га қарши ғоявий тарбия кўламини кенгайтириш, бунда асарлари ўзбек миллий маданиятида катта ўрин эгаллаган улуғ мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий меросидан фойдаланишимиз зарур.

“Оммавий маданият”га қарши тарбиянинг энг муҳим омилларидан бири ватанпарварлик тарбияси бўлиб, ёшлар қалбига Ватан туйғусини сингдириш йўли билан уларда “Оммавий маданият”га қарши кучли иммунитетни таркиб топтириш мумкин. Ота-боболаримизнинг ҳаёт йўли, Ватан ҳимояси йўлида ҳаётини фидо этган тарихий қаҳрамонларнинг ибратли жасоратлари, алломаларнинг ватанпарварлик, эл-юрт манфаати, бахт-саодати йўлида фидойилик кўрсатиш ҳақидаги, мардлик ва жасоратни улуғловчи ҳикматли сўзлари ва фикрларидан ўқув материали сифатида фойдаланиш мактабда болалик ва ўсмирлик даврида ўқувчиларга ватанпарварлик ғояларини сингдиришда муҳим ўрин тутади.

“Ватанни севмоқ иймондандур” (“Ҳуббул-ватани минал имони”)- дея уқтирилади муқаддас ҳадисда. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасида ҳам ибрат олса арзигулик ҳаётий тажрибалар мавжуд. Хусусан, Японияда ўқувчига унинг дарсда эришаётган ютуқлари ҳам Ватан манфаати йўлида муайян аҳамият касб этиши, унинг тараққиётини таъминлаши уқтирилади. Япон ўқитувчиси таълим олувчига “Сенинг ўқишдаги ютуғинг, Япониянинг ютуғи, аксинча бўлса, унинг муваффақиясизлигидир” деб уқтиради. Ҳақиқатан, Ватанга муҳаббат билан ёнган қалбларда ўткинчи, бемаъни ҳою-ҳавасларга қизиқиш бўлмайди.

Бунга ватанпарвар, оқил, маърифатпарвар, халқ ва Ватан озодлиги йўлида ҳам ўткир қалами, ҳам сиёсий фаолияти билан бирдек кураш олиб борган, бутун онгли ҳаётини, ҳатто ширин жонини Ватан озодлиги йўлида қурбон қилган Абдурауф Фитратнинг Ватанга самимий муно-

сабати ифодаланган қуйидаги сатрлари мисол бўла олади: “Эй, улуғ Турон... Сен менинг Ватанимсан... Юртим, Туроним, сендан айрилмоқменин гўлимим. Сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдур. Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ётларинг сени шу куйга солдилар... Золимлар сени кимсасиз кўрдилар! Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурға рози... Мен сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман.

Эй, туркликнинг муқаддас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!”[1].

Улуғ алломалар ижодида халқ ва Ватан тушунчаси ҳамиша ёнма-ён келади. Одамларга яхшилик қилиш – Ватанга хизмат қилиш деб тушунилади. Демак, Ватанни севмоқ – бу ўз элини севмоқ ва унинг хизматига шай турмоқдир[2]:

*Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,*
*Ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил.-*

*яъни, “Замон аҳлининг жисмида жон бўл, ҳам жонларига дармон бўл”* дея уқтиради шеърият мулкининг султони Алишер Навоий.

“Ватанни шод этиш учун кўп қайғуринг” дея таъкидлайди оқила момоларимизга илм-маърифат берган устоз Дилшод Барно. Ватанга муҳаббат ва фидойилик туйғуси унинг шеърларида ўзгача шукуҳ билан жаранглайди[2]:

*Ўзунгни ўйлама танҳо, эл ичра содиқ бўл,*
*Нўхотча етса зиёнинг, ўзинг ҳаётдан кеч.*

Ватанга ва халққа муҳаббат эгизак тушунчалардир. Кимки Ватанни севса, халқининг оғир-енгил юмушига камарбаста, инсон зотига меҳр-муҳаббатли, юрт равнақи йўлида ғайрат-шижоатли бўлади. Юрт озодлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб, халққа яхшилик қилишни шиори деб билиб, шу билан халқ назар-эътиборига тушган шоир Бердақ таъкидлаб айтганидек[3]:

*Яхши бўлсанг, муродингга етарсан,*
*Неча манзил, хавфли жойдан ўтарсан,*
*Ёмон бўлсанг, оҳу фиғон этарсан,*
*Ёмонни учратсанг, даф қил халқ учун.*

Яхшиликни Ватан тимсоли билан боғлаган инсон адашмайди. Чунки эзгу тушунчаларнинг барчаси Ватан сиймоси билан уйғун тарзда идрок этилади.

Ватан инсон кўз очиб кўрган она маскан, болалик ва ёшлигининг энг гўзал хотиралари ўтган боғу бўстон, қадрдон қишлоғи, фаровон

шаҳридир. Ота-она, оила, она тили, маҳалла-кўй, мактаб, маданият ва маърифат ўчоғлари, умуман, инсон қадрлайдиган ва қумсайдиган барча олий туйғулар Ватан ва халқ тушунчаси билан уйғунликда асл маъно касб этади. Ватан фаровонлиги унинг бағридаги ҳар бир кишининг эркин ва озод, турмуш машаққатларидан холи, бемалол, ўз орзу-мақсади йўлида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиш, табиат гўзаллигидан роҳатланиш бахтига эришишга шароит яратади. Шу сабабли, доно халқимиз "Ватанинг тинч – сен тинч" деб айтади.

Жамиятимиз фарзандларимизни баркамол, бахтли, тадбиркор, иқтидорли бўлишини кўзлайди. Таълим муассасалари ва оилада ёш авлод тарбиясида таянилиши мумкин бўлган улкан тарбия ўчоғи – бу мутафаккирлар меросилардир. Зеро, мутафаккирларнинг доно ўгитлари гунг қулоқларни ҳушёр, басир қалбларни огоҳ, туманли онгни равшан этади.

Таъкидлаш жоизки, умумий ўрта таълим босқичида ўқувчиларда Ватанга муҳаббатни шакллантиришда, ёшларда ижтимоий одоб-ахлоқни тарбиялашда "Ватан туйғуси" ўқув фани муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу фан бўйича ўқув дастури ва режасида ўқувчиларни Ватанга муҳаббатли, оиласи, дўстлари ва қариндошларига садоқатли, Ватан хизматига камарбаста, мард ва жасоратли, баркамол инсон қилиб тарбиялашга катта эътибор берилган.

5-6 - синфларда ўтиладиган "Ватан туйғуси" ўқув фанини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда бошланғич синфда ўзлаштирилган билимлар мустаҳкамланиб, уларнинг Ватан, жамият ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилиб, ҳаётий тушунчалар билан боғланади. 5-синфда "Ватан туйғуси" ўқув фани асосида ўқувчиларда Ватанни севиш, инсонларга меҳрибон бўлиш, оилапарвар бўлиш (оила манфаатларини кўзлаш ва унга хизмат зилиш), ёрдамга муҳтожларга саҳоватли бўлиш, миллий задриятларни (урф-одат, маросимларни) билиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маданий мерос, халқнинг тарихий, маънавий-маданий қадриятларини асраб-авайлаш, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоҳ қоидаларига риоя қилиш компетенцияларини таркиб топтириш назарда тутилган. Албатта, "Ватан туйғуси" ўқув фани моҳиятига кўра халқнинг маънавий-ахлоҳий тарихидан ибрат олишга, ўқувчиларда Ватан туйғусини шакллантиришга, уларни халқимизнинг энг яхши анъаналари асосида тарбиялашга қаратилган фандир.

Ватанпарварлик тарбиясида ўқувчилар Ватан туйғуси – инсон, халқ ва давлатнинг куч-қудратини таъминлаши, она тили – маънавият, мустақиллик, фахр-ифтихор манбаи эканлиги, ватанпарварлик маърифати халқ тарихи, маданияти ва бугунги кундаги вазифаларини чуқур

билиб олиш ва уларга риоя этишда намоён бўлиши; Ватанга муҳаббат турли халқ ва мамлакат фуқароларини дўстлаштириш, қон-қариндош қилиш қудратига эга эканини, аксинча Ватан тарққиётига зид йўналишлар, бузғунчи ғоя ва мафкуралар халқ ҳаётига хавф солувчи иллат эканини билиб олиши ғоят муҳимдир.

5-синфда "Ватан туйғуси" фанидан "Ватанни англаш""Оила – Ватан тимсоли", "Ватанга муҳаббат", "Инсон жамиятда камол топади", "Озод ва обод Ватан!", "Она ватанга фарзандлик бурчи" каби мавзуларни ўрганиш ва улар асосида ўқувчиларда Ватанни севиш, Ватан учун жасорат кўрсатиш, Ватанни ҳимоя қилиш туйғуларини шакллантириш, она бағри инсон учун дастлабки Ватан эканлиги, фарзандлар камоли - юрт бойлиги саналиши, оила ва маҳаллалар – тарбия маскани эканлии, эркин ва озод ҳаёт ўз-ўзидан келмаганлиги, мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги ҳақида тушунчаларни шакллантириш назарда тутилади. Ушбу тушунчаларни шакллантиришда аждодларимиз мероси, ҳадису Шарифлар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

6-синфда эса "Ватан ва мустақиллик қадри", "Озод ва обод Ватан", "Буюк қадамжолар", "Тарихий хотира", "Инсон қадри улуғ, хотираси абадий" каби мавзулар ўрганилиб, улар асосида ўқувчиларда-Ватан туйғуси ва мустақиллик неъматини идрок этиш, инсонни қадрлаш, унинг ҳурматини жойига қўйишнинг зарурлиги, юрт ободлиги ва озодлиги инсонга боғлиқ экани, Ҳазрати имом Бухорий, имом Мотурудий, Бурхониддин Марғиноний ёдгорликлари ҳақида маълумотларни билиб олиш, тарихий хотиранинг ўтмишга ҳурматни тарбиялашда катта ўрин тутиши, миллий истиқлол йўлида курашган аждодларимиз ҳақида тушунчаларни шакллантириш кабиларга эътибор қаратилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. Ҳикматлар. - "Шарқ"нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2006 й. – 223 б. – 48-б.

2. Билол Аминов, Тўлқин Расулов. Ватан – юракдаги жавоҳир. – "Ўқитувчи", 2001 й. – 232 б. – 12-б.

3. Ёшларга донолар ўгити. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи. Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.- 2018., 62-б.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

***И.Б.ХУШМУРОДОВА,***
*ЎзПФИТИ изланувчиси, п.ф.н., доцент*

*Мазкур мақола узлуксиз таълим тизимида ташкил қилинадиган педагогик диагностика муаммоларининг ечимини топишга бағишланган. Унда узлуксиз таълим тизимида ўқув-тарбиявий жараёнларни квалиметрик аниқлашга мўлжалланган педагогик диагностика методлари: тестлар, қиёслаш, башорат, интерпретация; принциплари: валидлик, аниқлик, объективлик, ишонарлилик кабилар ўз ифодасини топган.*

***Таянч тушунчалар:*** *педагогик диагностика, методлар, тестлар, қиёслаш, солиштириш, башорат, интерпретация, принциплар.*

*Статья посвящена организации педагогической диагностики в непрерывном образовательном процессе. В ней отражены педагогические методы, которые применяются для квалиметрии учебно-воспитательного процесса в непрерывном образовании. Это тесты, сравнение, прогноз, интерпретация; принципы: валидность, объективность, достоверность и др.*

***Ключевые понятия:*** *педагогическая диагностика, методы, тесты, сравнение, прогноз, интерпретация, принципы.*

*The article is devoted to the organization of pedagogical diagnostics in the continuous educational process. It reflects the pedagogical methods that are used for qualimetry of the educational process in lifelong education. These are tests, comparison, forecast, interpretation; principles: validity, objectivity, reliability, etc.*

***Key words****: pedagogical diagnostics, methods, tests, comparison, forecast, interpretation, principles.*

“Дидактик ва тарбиявий жараёнларда педагогик диагностика-педагогик омилларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида шахсга ахлоқий, интеллектуал, эстетик, жисмоний, социологик, экологик ва ижтимоий -психологик таъсир кўрсатиш учун хизмат қилади” [1, 67-б].

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида педагогик диагностика асосида таълим сифатини кафолатлаш усуллари Япониянинг Токио педагогика университети, Жанубий Корея Республикасининг Чоннам миллий университети, Хитойдаги Шанхай таълимни баҳолаш институти, Россиянинг бошқарув кадрларни тайёрлаш ва квалиметрик методлардан фойдаланиш орқали уларнинг компетенциясини ошириш Москва давлат университети, Ўзбекистоннинг Бош илмий-методик марказ ва ўқув-илмий марказида аҳамиятга молик илмий натижалар олин-

ган бўлишига қарамасдан, таълим субъектлари (ҳам ўқитувчи ҳам ўқувчи)ларнинг компетенциялари даражаларини диагностика қилиш, таҳсил олувчиларда ўқув предметлари ва таянч фанга оид махсус компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга зарурат ошаётганлиги намоён бўлмоқда. Бу эса педагогик диагностика методларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, уларни амалиётга татбиқ этиш масаласи долзарб педагогик муаммо сифатида қаралиши лозимлигини кўрсатади.

*"Педагогик диагностика"* атамаси мамлакатимиз ва хориж олимлари томонидан берилган таърифлар таҳлиллари умумлаштирилди, муаллифлик нуқтаи назаридан баҳоланиб, унга "таълим-тарбия жараёнларини қулайлаштиришга мўлжалланган, ташхислаш методлари, усуллари мажмуаси бўлиб, таълим дастурлари ва тарбиявий таъсир ўтказиш дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи, таҳсил олувчиларни дифферинциаллаштиришга қаратилган назорат ва баҳолаш жараёни" деб таъриф берилди.

Узлуксиз таълим тизимининг бир бўғини бўлмиш умумий ўрта таълимда педагогик диагностикадан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, ўқитувчидан юксак компетентлик хусусиятларига эга бўлишни талаб этади ва замонавий таълим технологиялари, ахборот ва компьютер технологиялари, ўқув предметини ўқитиш усуллари, ўқитувчиликнинг умуммаданий ва амалий тайёргарлигини намоён эттириш назарда тутилади.

Умумий ўрта таълим жараёнида педагогик диагностикадан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришда: диагностика методлари: *тестлар, қиёслаш, солиштириш, башорат, интерпретация;* принциплари: *валидлик, аниқлик, объективлик, ишонарлилик,* параметр ва индикаторлар муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик диагностика асосида узлуксиз таълимда таълимий ва тарбиявий методларнинг ўқувчи шахси ривожланишига таъсири ўрганилиши аҳамиятлидир. Улар:

1) *онгни шакллантирувчи методлар* (ҳикоя, суҳбат, маъруза, баҳс, намуна);

*2) фаолиятни ташкил этувчи методла*р (талаб, ўргатув, машқ, тарбиявий вазиятларни яратиш);

*3) стимул методлари* (рағбат, жазо, мусобақа) каби методларнинг шахс тарбиясига таъсири ўрганилд

и ва ўқув предметини ўзлаштиришда содир бўладиган тарбиявий таъ-

сири аниқлаш имкониятини яратади.

Узлуксиз таълимда педагогик диагностика таълим жараёнлари субъектларига давлат таълим стандартлари талабларини бажариш динамикасини ҳамда унга таъсир этган омилларни аниқлаш, ташхис натижаларига кўра ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш ҳамда сифатли таълим-тарбия жараёнини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаш, сифат муаммоларини комплекс ҳал қилиш имкониятини беради.

Масалан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда кичик мутахассисликлар бўйича хорижий таълим йўналишида: хорижий матн билан ишловчи (компьютерда матн терувчи) 1-босқич ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаш даражаларини ўрганиш учун бир неча вариантли топшириқлар билан мурожаат этилди:

1. Инглиз тилидаги матнни диққат билан ўқинг.

2. Матнни таржима қилинг.

3. Матнни график асосида компьютерда “Инсерт” кўринишидаги катакларга жойланг.

4. Топшириқни бажариш натижасида қандай кўникмаларга эга бўлдингиз?

5. Топшириқни бажариш мобайнида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

Тақдим қилинган матн:

STEPHEN KING

Horror writer and producer.

Stephen Edwin King (born September 21, 1947) is an American author of horror, supernatural fiction, suspense, science fiction and fantasy. His books have sold more than 350 million copies, many of which have been adapted into feature films, miniseries, television series, and comic books. King has published 58 novels, including seven under the pen name Richard Bachman, and six non-fiction books. He has written around 200 short stories, most of which have been published in book collections.

SUCCESS:

In the late 1970 s and early 1980 s, Stephen King published the books Rage, Long Walk, Road Works, Running Man, and Losing Weight under the pseudonym of Richard Bachman. The idea was to check whether he could repeat his success again, as he feared that his success was an accident, a

coincidence. There is another explanation, which is that the standards of publication of that time allowed only one book per year. The name Bachman was not taken by chance, he is a fan of the musical group "Bachman-Turner Overdrive"[3, 4-б. ].

Ўқувчилар томонидан таржима қилинган матн:

Стимвен Эмдвин Кинг (ингл. Stephen Edwin King; 1947 йилнинг 21 сентябрида АҚШнинг Мэн штатидаги Портленд шаҳрида таваллуд топди) — америкалик ёзувчи. У адабиётнинг турли жанрлари: триллер, даҳшатли сюжетларга асосланган ҳикоялар, фантастика, фэнтези, мистика, драма кабиларда фаолият кўрсатди. Унинг китоблари 350 миллиондан зиёд тиражда сотилган. "Даҳшатлар қироли" номи билан машҳур. Китобларидаги сюжетлар асосида бадиий фильмлар, комикслар суръатга олинган. Кинг 56 та роман, 5та илмий-оммабоп китобларни нашр эттирган бўлиб, шундан 7 таси Ричард Бахман тахаллуси билан чоп этилган. Стивен Кингнинг охирги китоби «Аутсайдер» номи билан 2018 йилнинг 23 майида чоп этилган.

У 200 яқин ҳикоялар муаллифидир, унинг кўп асарлари муаллифлик дастурига киритилган. Асардаги воқеалар унинг туғилиб ўсган штати –Мэнда содир бўлганлиги аён.

МУВАФФАҚИЯТИ:

1970-йилларнинг охири 1980-йиларнинг бошида Стивен Кинг Ричард Бахман (инг.RichardBachman) тахаллуси остида «Фиғон», «Узоқ саёҳат», «Йўл ишлари», «Югураётган одам», «Ориқлаётганлар» каби ҳикояларни чоп этди.Ушбу асарларни чоп эттирар экан, ёзувчи кенг ўқувчилар аудиторияси орасида муваффақият қозонишига шубҳа қилди, чунки олдинги машҳурлиги тасодифан омадга боғлиқ эканлигига ишонарди. Бироқ, "Бахман" тахаллуси остида чоп этилган асарлари ёзувчи кутганидан ортиқроқ машҳурлик келтирди. Ёзувчининг ушбу тахаллусни олиши унинг«Bachman-Turner Overdrive» номли мусиқа гуруҳига баланд ихлоси борлигидан далолат беради.

Ушбу янги моҳиятда ўтказилган диагностика орқали тажриба ўтказган ўқитувчи қуйидаги хулосаларни жамлашга муваффақ бўлди:

-биринчидан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда кичик мутахассисликлар бўйича хориж таълим йўналишида: хорижий матн билан ишловчи (компьютерда матн терувчи) 1-босқич ўқувчилари инглиз тилидаги матнларни ўзбек тилига ўгириш кўникмаларига эга бўлсада, матн-

ни аниқ таржима қилиш малакаларини ривожлантириш талаб этилади;

-иккинчидан, компьютерда матн терувчи кичик мутахассисликлар бўйича таҳсил олувчи ўқувчилар компьютер саводхонлиги ДТСларида белгиланган талабларга жавоб берсада, 64,7 фоизи матнни имловий хатолар асосида теришганлиги намоён бўлди;

-учинчидан, адабиёт соҳасида учрайдиган янги сўзлар моҳиятини билишга қизиқмайдиган ўқувчилар 38 фоизни ташкил қилди. Худди шундай турагент (туризм мутахассиси), рухсатномалар бюроси инспектори; аниқ фанлар йўналишида: техник дастурчи, маълумотлар базаси оператори, физика бўйича лаборанти; табиий фанлар йўналишида: кимё лаборанти, дизенфикатор, техник кимёгар; ижтимоий гуманитар фанлар йўналишида: рухсатномалар бюроси инспектори, иш юритувчи, архивариус, кутубхоначи каби мутахассисларни тайёрлаш гуруҳларида педагогик диагностика ўтказилди. Кузда тутилган йўналиш ўқувчиларини диагностика қилиш мақсади - касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ушбу мутахассисларни тайёрлашда моҳиятан янги фаолиятнинг тузилиши - ижодий ёндашув, ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик ёндашув, янгича фикрлаш, муомала маданиятини ривожлантиришга қаратилди.

Таълим жараёнида педагогик диагностика педагог кадрлар фаолиятининг натижалари ҳамда унинг пировард мақсадлар, белгиланган меъёр даражасига мослигини аниқлаш таълимнинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминланганлиги, сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлиликни таъминланганлиги акс эттирувчи умумлаштирилган хусусият ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаева Ш.А. Педагогик диагностика ва коррекция. -Тошкент: Университет, 2019.- 310 бет.

2. Леонгард К. Управление качеством образовательного процесса: Монография. / Г.А. Бордовский, А.А.Нестеров, С.Ю. Трапицын. - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2001. - 359 с.

3. https://www.google.com/ search?q=илья+франк+английский&oq =Илья+Франк&aqs=chrome.1.69i57j0l5.3916j0j7

# UZLUKSIZ TA'LIM JARAYONIDA IQTIDORLI YOSHLAR BILAN ISHLASH

***B.A.ATAEVA,***
*Sirdaryo viloyat XTXQTMOHM*
*katta o'qituvchisi*

*Mazkur maqola uzluksiz ta'lim tizimida iqtidorli yoshlarni aniqlash va ularni kelgusi fanlar yo'nalishidagi iqtidorini rivojlantirish masalalariga qaratilgan. Shu maqsadda ta'lim tizimda faoliyat yuritayotgan o'qituvchi, tarbiyachi va pedagoglarga iqtidorli yoshlar bilan ishlash jarayonida e'tibor berishlari zarur bo'lgan amaliy tavsiyalarga e'tibor qaratilgan.*
***Tayanch so'z va iboralar**: iqtidorli yoshlar, ta'lim tizimida, o'quv-yoshlar, kasbiy mahorat, iqtidorni rivojlantirish.*

*Статья посвящена вопросам воспитания одаренной молодежи в системе непрерывного образования. В связи с этим в статье раскрываются задачи педагогов в формировании способностей подрастающего поколения и образовательной системе и представлены методические рекомендации учителям и воспитателям по работе с одаренной молодежью.*
***Ключевые слова**: одарённые молодежи, образовательная среда, учащихся, развивать одарённость.*

*This article is devoted to the education of talented students on the base of uninterrupted education system. It is also mentioned the special secondary schools have been established in our republic in the following fields: music, sport and natural sciences. According to this, responsibilities of pedagogy on formation the capabilities of young generation are illuminated as well as methodical recommendations are given.*
***Key words:** gifted youth, educational environment, students, develop giftedness.*

Ma'lumki, barkamollikka intilmagan bironta inson, millat, xalq, jamiyat bo'lmagan. Ayniksa, o'z farzandlarini komil, barkamol shaxs, avlod etib tarbiyalashga intilmagan millat, jamiyat, ma'naviy inkirozga yuz tutishi tabiiy xoldir. Yosh avlodga uzluksiz ta'lim berish va uni tarbiyalash jarayonini yaxlit kamrab oladigan yagona ta'lim majmui – bu kadrlar tayyorlash milliy dasturi xisoblanadi. Ta'lim tizimining har bir bo'g'ini bunda aloxida urin va mas'uliyatga ega bo'ladi.

Dasturning to'liq amalga oshirilishi, qo'yilgan vazifalarga erishish ana shu bo'g'inlarning holati va rivojlanish darajasiga bog'lik bo'lib, ular o'zaro uygun tarzda shakllanadi.

Yoshlarning har tomonlama barkamol voyaga etishlari uchun mamlakatimizda

barcha imkoniyatlar eshigi keng ochilayotgani ta'lim sohasidagi keng kamrovli isloxotlarning olib borilayotganida ko'rinib turibdi.

Yosh avlod uchun ko'rsatilayotgan gamxo'rlik va e'tibor mamlakat tarakkiyotini belgilar ekan, bugungi kunda barcha sa'y-harakatlar ham shunga yarasha bo'lishi kerak. Ayniqsa, favqulodda iste'dod egalari bo'lgan farzandlarimiz kelajagi uchun qayg'urish, ular uchun alohida muhit va sharoit yaratish davlat va jamiyat miqyosidagi vazifaga aylandi.

Xuddi shu o'rinda O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasi xuzuridagi davlat test markazi tomonidan ayrim fanlar chuqur o'rganiladigan davlat umumta'lim muassasalarining ixtisoslashtirilgan sinflariga, davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalariga o'quvchilar qabul qilish tartibi to'g'risidagi Nizomi, ayrim fanlar chuqur o'rganiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalarining namunaviy o'quv rejalari, dasturlarini ishlab chiqish va tasdiqlash kabi vazifalar belgilab berilgan.

Darhaqiqat, jahon andozalariga mos keladigan iqtidorli, iste'dodli yoshlarni etishtirish, tarbiyalash uchun mamlakatimizda eng ustivor vazifalar amalga oshirilmoqda.

Bugungi kun yoshlari «Prezident orzusidagi shaxs»lar bo'lish uchun maxsus ta'lim-tarbiya tizimi, shu tizimda faoliyat ko'rsatadigan dargohlar va eng asosiysi, yetuk shaxslarni tarbiyalaydigan kadrlar kerak bo'ladi. Shuning uchun ham «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» yaratilib, uning markaziga shaxs, uning qobiliyati va iqtidorini ro'yobga chiqarish, qiziqishlari va intilishlarini qo'llab-quvvatlash, rag'batlantirish, mafaatlarini himoya qilishdek muhim vazifalar belgilab qo'yilgan. Iqtidorli, yuksak iste'dod sohiblari bo'lgan yoshlarga bilimning tegishli sohalari va fanning aniq yo'nalishlari bo'yicha o'z tabiiy kobiliyatlarini ko'rsata olish va rivojlantirib, takomillashtirish, o'zlaridagi noyob iste'dodni ro'yobga chiqarish uchun juda katta imkoniyatlarning mavjudligi ularda ahloqiy sifatlar shakllanishi, fikrlash doirasining kengayishi, jismoniy va ma'naviy jihatdan ham kamol topishiga katta yordam beradi.

Alohida xususiyatlari bilan tengdoshlaridan ajralib turadigan iqtidorli bolalar nodir qobiliyatlarini namoyon eta olish, yuksak natijalarni qo'lga kiritish imkoniyatlariga egalik, bir yoki bir necha yo'nalishlarda (aqliy salohiyat, bilimlarni egallashdagi o'ziga xos ijodiy tafakkur, tasviriy va amaliy san'atga bo'lgan layoqat) muayyan natijalarni qo'lga kirita olish kabi o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'ladilar.

Shuningdek, ular bir vaqtning o‘zida bir necha faoliyatni bajara olish, o‘ta qiziquvchanlik, miya faoliyatining biokimyoviy va elektron faolligi, nutki va fantaziyasining boyligi, kuchli xotira kabilarga ega ekanligi bilan aloxida o‘rin tutadi.

Shuning uchun ham umumiy yoki maxsus iqtidorga ega bo‘lgan bolalarga ta’lim va tarbiya berish juda murakkab jarayon hisoblanadi. Shu o‘rinda ulug‘ ajdodlarimizning komil insonni tarbiyalash hakidagi ko‘plab fikr-mulohazalarida ham iqtidorli shaxslarga nisbatan ko‘yiladigan talablar o‘z ifodasini topganligini ko‘rish mumkin. Jumladan, qomusiy olim Abu Nasr Forobiy inson iqtidori xususida fikr yuritib, shunday deydi:

- «barcha masalani, muhokama va mulohazani tezda tushunadigan, uning ma’nosini anglaydigan, so‘zlovchining maqsadi, aytilgan fikrining chinligini tezda payqay oladigan bo‘lsin;

- xotirasi baquvvat bo‘lsin, ko‘rgan, eshitgan, sezgan narsalarining birontasini ham esidan chiqarmay, yodida saklab qoladigan bo‘lsin;

- zehni shu darajada tez va o‘tkir bulsinki, biror narsaning alomatini sezishi bilan, bu alomat nimani bildirishini tezda bilib olsin;

- so‘zlari aniq bo‘lsin, fikrini va aytmoqchi bo‘lgan mulohazalarini ravon va ravshan bayon eta olsin;

- bilim va o‘qishga muhabbati kuchli bo‘lsin, o‘rganmokchi bo‘lgan bilimini charchashni sezmasdan, osonlik bilan o‘zlashtira olsin».

Ayni damda yuqoridagi xislatlarga hamohang tarzda bugungi kun o‘kuvchisi uchun mustakil bilimlarni to‘ldirish va yangilash ko‘nikmasi, izlanish olib borish, yangi rejalar qabul kilish, ijodkor shaxs bo‘lib etishishi davr talabi bo‘lib qolmoqda. Shu maqsadda iqtidorli o‘quvchilarni o‘qitishda mustaqil ta’lim salmog‘i kuchaydi, yakka tartibda o‘qitishga extiyoj ortdi, ijodiy tafakkurni shakllantirishga jiddiy e’tibor qaratilmoqda.

Ta’lim sohasidagi ishlarni yanada rivojlantirishda Vazirlar maxkamasining «Ayrim fanlar chukur o‘rganiladigan Davlat ixtisoslashtirilgan umumta’lim muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish to‘g‘risida» gi Qarori muhim ahamiyat kasb etadi.

Uzluksiz ta’lim jarayonida umumiy o‘rta ta’limning chuqurlashtirilgan fanlari bo‘yicha o‘quvchilarning davlat ta’lim standartlari talablaridan yuqori, chuqur ta’lim tayyorgarligini ta’minlash mobaynida ixtisoslashtirilgan umumta’lim muassasalari o‘quvchilarining ijodiy salohiyatini namoyon qilib, yanada faollik ko‘rsata olishga imkoniyat yaratadi. Shuningdek, har bir o‘quvchining individual

xususiyatlarini hisobga olgan holda mustaqil tadqiqotchilik faoliyati ko‘nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish bilan bir qatorda professional dastur ta’limini ongli tanlash va keyinchalik o‘zlashtirish uchun mustahkam zamin yaratadi. O‘quvchining iqtidori va iste’dodini aniqlash va uni yanada yuksaltirish uchun o‘quvchilarni fan olimpiadalari, tanlov va turli tadbirlarda ishtirok eta olishga tayyorlaydi. Ta’kidlash joizki, Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov «Bilimga chanqoq, iste’dodli yoshlarni topib, ularni Vatanga fidoyi qilib tarbiyalash muqaddas vazifadir» - deya ta’kidlaganlari ham bejiz emas. Hech shubxasiz, barkamol yoshlar mamlakat rivojiga o‘z zakovati, iqtidori bilan hissa qo‘shadi. Shu bois yoshlar iqtidorini ro‘yobga chiqarish, ularga to‘g‘ri tarbiya berish bugungi kunda uzluksiz ta’lim sohasida faoliyat yuritayotgan har bir pedagog va tarbiyachilar oldida turgan asosiy vazifalardan hisoblanadi.

Bundan tashqari o‘quvchilarni kasb-hunarga yo‘naltirish, ularning qobiliyatlarini va moyilliklarini aniqlashda pedagoglar joylarda tashkil etilgan tashxis markazlari bilan bevosita hamkorlikda ish olib borishlari zarur.

Shuning uchun, iste’dodli o‘quvchilardan avvalo puxta bilim talab qilinar ekan, uning bilim va g‘oyalarini xotira orqali boyitish, shu bilan undagi ijodkorlik qobiliyatini rivojlantirish maqsadga muvofiqdir.

Bola faoliyatining kattalar tomonidan ilmiy asosda tashkil qilinishi, undagi ma’lum iqtidorning rejali ravishda rivojlanib, oz kuch sarf qilgani holda katta samara berishga, ijobiy natijalar bilan shakllanishiga yordam beradi. Bunda har bir iqtidorli o‘quvchinig individual, psixologik xususiyatlarini alohida e’tiborga olish zarur.

O‘quvchilar iqtidorning yanada rivojlanishini ta’minlash uchun nafaqat o‘qituvchi yoki pedagogning o‘zi, balki ota-onalar, to‘garak rahbarlari, keng jamoatchilik hamkorlikda faoliyat yuritishi kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar**:

1. Karimov I.A. “Yuksak ma’naviyat – engilmas kuch”. – Toshkent: “Ma’naviyat”, 2008.

2. Bulatov S., G‘ulomov S. Sharqona ustoz-shogird odobi. – T.: 2000, 62-b.

3. Davletshin M.G. Zamonaviy maktab o‘qituvchisining psixologiyasi. –T.: O‘zbekiston, 1999. – 30 b.

# БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

**Д.МЎМИНОВА,**
*МТМРМҚТМОИ мустақил тадқиқотчи*

*Ушбу мақолада болалар китобхонлигини ривожлантиришда ақлий ва ахлоқий тарбия узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари ёритилган.*
***Таянч тушунчалар:*** *болалар китобхонлиги, тарбия, абстракт тафаккур, мантиқий ёндашув, барқарор диққат, қизиқарлилик.*

*В данной статье рассматриваются педагогические и психологические проблемы обеспечения преемственности и преемственности психолого-этического воспитания в развитии детского чтения.*
***Ключевые слова****: детское чтение, воспитание, абстрактное мышление, логический подход, устойчивая направленность, интерес.*

*This article discusses the pedagogical and psychological problems of ensuring the continuity and continuity of psychological and ethical education in the development of children's reading.*
***Key words:*** *children's reading, education, abstract thinking, logical approach, sustainable orientation, interest.*

Болалар китобхонлигини ривожлантириш ёш авлодда соғлом фикр, ташаббускорлик, равон нутқ ва юксак интеллектни шакллантириш муаммоси билан бевосита боғлиқ бўлган, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ҳамда таълимнинг кейинги босқичларида узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари негизида босқичма-босқич амалга оширилиши зарур бўлган ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Маълумки, сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуси билан китобхонликни ривожлантириш борасида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори [1] ва 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг Фармони [2] ни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Сўнгги йилларда болалар учун нашр этилган китоблар сифати, мазмуни психологик, нейрофизиологик ва педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинганда маълум бўлдики, бундай китобларнинг умумий хажми бор-йўғи 20% ни ташкил этади. Кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган китобларнинг аксарияти боланинг ўзи мустақил китоб билан мулоқотда бўлишига мўлжалланмаган.

Мактабгача ёшдаги боланинг ўқишни билмаслик эҳтимолини назарда тутиб, улар учун дона-дона босмаҳарфли, иллюстрацияга бой китоблар чоп этиш зарур. Нашриётларимизда болалар учун мўлжаллаб чоп этилаётган аксарият китобларда асосан дунё ёки халқ эртаклари ўз ифодасини топади. Мазкур китобларнинг ўзбек боласи дунёқарашига ҳай даражада мослиги масаласи ҳам алоҳида муаммо. Масалан, Ганс Андерсоннинг “Қор маликаси” эртагини олайлик, 3 ёшли болага уни эшитиш ҳам, тушуниш ҳам анча муаммо туғдиради. Бу эртакни камида 5-7ёшга тўлган болага ота-онаси изоҳлаб ўқиб бериши мумкин.

Умуман, ҳар қандай болаларга мўлжаллаб яратилган китобда тушунарлилик, боланинг психо-физиологиясига муносиб маълумотларни бериш тамойили устувор бўлиши зарур.

Европалик машҳур психолог Жан Пиаженинг тадқикотлари шуни кўрсатадики, болада туғилганидан 2 ёшга тўлгунга қадар (1-босқич) сенсор тафаккур кескин ривожланади. Яъни, бу ёшда болалар дунёни мавжуд нарсаларга тегиниш ва уларни харакатлантириш йўли билан ўрганадилар. Уларга мўлжалланган китобда, албатта, ёрқин ранглар, ғадир-будирликлар, китобнинг 3D ҳажмли формати, китобдаги варақларнинг турли материалларга хослиги устунлик қилиши даркор. Агар китоб бирор жонивор ҳақида бўлса, китоб варақларида албатта унинг юнги ёки терисини имитация қиладиган матони бола қўли билан ушлаб ҳис қила олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Иккинчи босқич 2 дан 7 ёшгача бўлиб, фаолият олди босқичи деб ҳисобланади. Бунда болада хотира ва таасурот функциялари кескин ривожлана бошлайди. Шу даврда унга иллюстрацияларга бой китоблар ниҳоятда зарур бўлади. Айнан шу даврда бола атроф-оламни тушунишни бошлайди. Бу даврда уни эртаклар ва атроф-муҳитда содир бўлган ёки бўлаётган воқеалар қизиқтиради. Учинчи босқич 7-11 ёшли болаларга тегишли бўлиб, Жан

Пиаже уни фаолият босқичи деб атайди. Бунда бола ўзлигидан ташқарини англашни бошлайди. Бу даврда болаларга китоблардаги ижтимоий фаолият қизиқарли бўлади. Жамиятни англаш даврида болага атрофидаги жамият ҳақидаги воқеалар қизиқарли туюлади. Ниҳоят, 4- босқич 11 ёшдан кейинги даврга тўғри келиб, болада мантиқий тафаккурнинг жадал ўсиши кузатилади. Айнан шу даврда болалар учун иллюстрацияларга бой, боланинг ақлий имкониятига мос маълумотлар жамланган энциклопедиялар, касб-ҳунар ҳақидаги китоблар, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва тарбияга оид китоблар қизиқарли бўлади.

Юқорида келтирилган фикрларга таяниб айтиш мумкинки, болалар учун нашр этилган китобларда психологик ёндашув етишмайди, ваҳоланки, педагогик жиҳатдан бола учун яратилган маҳсулотда нейрофизиологик ва психологик омиллар муҳим аҳамият касб этади. Масалан, “Чўлпон” нашриёти томонидан мактаб ёшидаги болалар учун чоп этилган Джанни Родарининг “Бешнинг саргузаштлари” китобининг асосий қаҳрамони бўлган “Беш” ва “Икки” баҳолар ҳозирги кунда долзарб эмас. Ҳамма бола ҳам асарда “2” сони нега салбий қаҳрамон сифатида тақдим этилганини тушунавермайди. Бу китоб шўро тузуми давридаги баҳолар тизимига мос келади. Албатта, ўтмишда яратилган дурдона асарларни болалар билиши лозим. Лекин бундан ташқари бола мустақил равишда мулоқот қила оладиган замонавий китоблар ҳам яратилиши жуда муҳим. Улар ўзбек болалар ёзувчилари томонидан ҳам яратилиши, уларда миллий қадрият ва анъаналар билан бирга замонавий билимлар ҳам акс этиши зарур. Китоблардаги миллийлик баркамол авлод тарбиясида муҳим рол ўйнайди.

Болалар учун чоп этилаётган энциклопедияларда болаларни қизиқтирадиган кўпгина саволларга жавоб берилса-да,уларда ишлатилган сўз ва иборалар анча мураккаб бўлгани сабабли бола уларни англашга қийналади. Масалан, “Давр” нашриёти томонидан чоп этилган “Кичкинтой энциклопедияси” китобида “Санъат” ва ”“Рассомлик” ҳақида шундай ёзилган: “Санъат одамга ўз ғоя ва туйғуларини ифодалаб бериш учун ёрдам беради. Рассомлик расм солишдаги ижодкорликдир”. Ушбу қисқагина матндагиаксарият сўзлар (масалан, ғоя, туйғу, ижодкорлик кабилар)ни мактабгача кичик ёшдаги бола онги қабул қила олмайди. Энциклопедиялар болани билимга қизиқтира олиши, китоб матни бола ёшига мос тарзда тузилган бўлиши даркор. Бола энциклопеди-

ядаги билимларга ижобий муносабатда бўлиши, унга қизиқиши зарур. Мактабгача ёшдаги болада юқоридаги каби матнга нисбатан нисбатан қизиқиш уйғонмайди. Умумий гаплар бола эътиборини жалб қила олмайди. Нафақат китобга, балки китобнинг педагогик мақсади бўлмиш билимга нисбатан ҳам қизиқиш уйғотмайди. Бу борада чет элда ибрат олса арзигулик тажрибалар мавжуд. Ғарбда болалар учун энциклопедияларда назарий маълумотлар бола онгига малол келмайдиган қилиб, ўйин тарзида тақдим этилади. Бола китобни варақлаш орқали Пикассо, Ван Гог каби буюк рассомлар билан танишади. Бу исмлар унинг қулоғида ҳолади, улар рассом эканлиги, ажойиб расмлар чизгани, уларнинг ҳаётий йўли ва ҳатто қарашлари ҳақида муайян тасаввур ҳосил бўлади. Шулардан бири машҳур “Henri Matisse: Drawing with Scissors” китоби бўлиб, уни бола визуал тафаккурига таянувчи, қайчи воситасида болаларни санъат оламига саёқат қилдирувчи асар деса бўлади. Бу китоб ёрдамида бола ўз-ўзидан санъат оламига ҳам назарий, ҳам амалий кириб боради. Матнлар жуда содда ва лўнда. Шу билан бир ҳаторда, маълумотлар ёнида албатта уларга тегишли қизиқарли иллюстрациялар тақдим этилган. Яъни, олинаётган маълумотлар қўшимча иллюстрациялар билан бирга мияда муҳрланади. Бу эса болада кучли таассурот, хотира ва қизиқиш ҳиссини уйғотади. Инсон психологияси шундай тузилганки, у вазиятни визуаллаштира олиши лозим, шундагина унинг моҳиятини тушунади. Машхур болалар психологи Marie Hartwell-Walker, Ed.D.нинг тадқиқотига кўра, болаликда ўргатилган тарбия энг муҳим ва кучли тарбиядир. Болага тарбия ўргатиш борасидаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, энг тўғри ва таъсирли йўл бу албатта шахсий намуна ва ибрат бўла олади.Мисол тариқасида, энг кичик ўқувчилар учун ажойиб иллюстрацияга бой миллионлаб тиражга эга бўлган “Excuse Me!: a Little Book of Manners By KAREN KATZ” китоб ни тахлил қилсак.Ушбу китобда назария деярли мавжуд бўлмай, балки болага қизиқарли тарзда, яхши ахлоқ ва тарбия намунаси ўйин тарзида тақдим этилган. Бола китобни кучли қизиқиш билан кўради, кейинчалик ҳаётида худди шундай вазиятларга тушганида, китобни эслаб, керакли фаолиятни намоён қила олади. Болага китобга меҳр ва қизиқиш қанча эрта сингдирилса, у  кейинчалик шунча осон китоб

ўқишга киришиб кетади. Мактаб ёшигача китоб кўрмаган бола мактаб давридан китоб оламига кириб бора олмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашларича, "Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўлларида мустаҳкам замин бўлади"[4].

Ўзбек халқи ниҳоятда бой маънавий-маърифий тарихга эга. Буюк олимлар, шоир ва рассомларимиз: Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Камолиддин Беҳзод, Имом Бухорий, Бобур каби аждодларимиз ҳаёти ва ижодини болалар учун содда, иллюстратив ва қизиқарли тарзда акс эттирилса, ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш, уларга миллий ифтихор туйғуси орқали ватанпарварликни сингдириш мумкин. Миллий қаҳрамонларимиз Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди кабиларнинг буюк жасоратлари акс эттирилган китоблар нашр этилса, болаларимиз чет эл сериалларидаги Жумонг ва бошқа қаҳрамонларга эмас, ўзимизнинг мард аждодларимизга тақлид қилар эдилар.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, Тошкент, 2017.13.09.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»/ Тошкент, 2019.29.04

3. Teaching Manners Breeds Empathy in Children, 2018.10.08. Marie Hartwell-Walker, Ed.D.https

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш масалаларига бағишланган видеоселектор. https://www.pv.uz/uz/news/

# ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЎҚУВ-БИЛУВ ЖАРАЁНИНИ ЎЗЛИКСИЗ ТАШКИЛ ЭТИШ

**М.ҚАЛАНДАРОВА,**
ЎзПФИТИ мустақил тадқиқотчиси

*Ушбу мақолада таълим жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашув асосида интеллектуал ривожлантиришнинг аҳамияти, хусусиятлари, уларда ихтирочилик ва ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш, интеллектуал ривожлантириш бўйича олимлар, тадқиқотчиларнинг назарий ёндашувлари юзасидан билдириган фикрлари ёритилган ҳамда таҳлил қилинган.*

***Таянч сўзлар**: барқарор тараққиёт, таълим тизими, интеллект, интеллектуал ривожлантириш, ўқув-билув жараёни, ижодий қобилят, индивидуал ривожлантириш, такомиллаштириш, дидактик таъминот, кўникма.*

*This article describes and analyzes the importance of intellectual development based on individual approaches to students, theoretical approaches of scientists and researchers to the development of intellectual and creative skills, intellectual development.*

***Key words**: sustainable development, education system, intellectual, intellectual development, educational process, creative abilities, individual development, improvement, didactic support, skills.*

*В данной статье описывается и анализируется важность интеллектуального развития на основе индивидуальных подходов к обучающимся, теоретических подходов ученых и исследователей к развитию интеллектуальных и творческих навыков, интеллектуального развития.*

***Ключевые слова:** устойчивое развитие, система образования, интеллектуальное, интеллектуальное развитие, учебный процесс, творческие способности, индивидуальное развитие, совершенствование, дидактическое обеспечение, навыки.*

Индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тушунчалари бугунги кунда кенг кўламда татқиқ этилмоқда. Бундай ёндашув ўзбек халқи таълим тизимида асрлар давомида мавжуд бўлган. Ўтмишда мактабхоналар айниқса мадрасаларда таълим олувчиларга алоҳида ёндашилган ҳолда, уларнинг қизиқишлари ва интилишларини ҳисобга олиб таълим-тарбия берилган. Ҳар бир таълим олувчининг муайян мавзуни билиш имкониятлари ва ўзлаштириш даражалари аниқлангандан кейингина унга навбатдаги топшириқ берилган.

Ўзбек халқи таълим тизимида амалий жиҳатдан ўзининг кўп асрлик тарихига эга бўлган индивидуал ўқитиш муаммоси фанда бир неча асрдан кейин назарий жиҳатдан талқин этила бошланди. Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш муаммосига нисбатан назарий ёндашув-

лар педагогика фанида ўтган XX асрнинг 20-30-йилларида вужудга келди. Бунинг натижасида турли даражадаги табақалаштирилган таълим шакллари ўқитиш амалиётида синаб кўрилди. Булардан энг кенг тарқалгани ўқувчиларга уларнинг иқтидорларини ҳисобга олган ҳолда таълим бериш шаклидир.

– Шу билан бир қаторда, ўқувчиларнинг қобилиятларига қараб уларга ўқув топшириқлари бериш ва меҳнатга тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида ўқув жараёнини қандай табақалаштириш керак, деган муаммо устида қизғин баҳс-мунозаралар бошланди ва бундай баҳс-мунозаралар бугунги кунга қадар давом этмоқда. Шу тариқа турлича қарашлар ўртага ташланди. Жумладан:

– ўқув жараёнини ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириш, бундай ёндашув таъсирида бир неча вариантда ўқув дастурлари яратилди;

– таълимни ўқув жараёнининг ўзига хос маромига асосланган ҳолда табақалаштириш, бунинг натижасида таълим мазмунининг максимал ҳамда минимал даражаларни ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурлари яратилди ва тажриба-синовга жалб этилди, бунда турли гуруҳлар ташкил этилиб, ўқувчилар бир гуруҳдан иккинчисига ўтказилиб турилди;

– ўқув жараёнини ихтисосликларга кўра табақалаштириш, бунда ўқувчиларга муайян ихтисосликка йўналтириладиган ўқув предметлари бўйича таълим беришга кенг ўрин ажратилди. Ўз вақтида ўқув жараёнини бундай ташкил этиш натижасида бир қадар самарадорликка ҳам эришилди. Шу билан бир қаторда, ихтисосликларга асосланган таълим бериш натижасида бир қатор салбий ҳолатлар ҳам вужудга келди. Шулардан бири, ўқувчиларни назарий-амалий машғулотлар давомида ўқув юкламалари билан ҳаддан ташқари банд қилиб қўйишда намоён бўлди.

Мустақиллик йилларида ўқувчиларга индивидуал ёндашув асосида таълим беришга алоҳида эътибор берилди, улар демократия ва инсонпарварлик тамойиллари асосида табақалаштирилдилар. Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига қаратилди.

Янгича ёндашувга асосланган ҳолда табақалаштирилган таълимни жорий этишда ички ҳамда ташқи омиллар ҳисобга олинди (Р.Ҳасанов, М.Нишонова, Г.Амирова). Ўзбекистонда илк бор табақалаштирилган таълим концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепцияда табақалаштирилган таълимнинг методологик асослари ва уларни ташкил этиш йўллари кўрсатиб берилди. Шунингдек, муайян ўқув предметлари бўйича табақалаштирилган таълим мазмунини танлаш ва ўқув ре-

жаси таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги назарий хулосалар илгари сурилди.

Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш қуйидаги ҳолатларга кўра амалга оширилади:

– ҳар бир ўқувчига эмас, балки ўқувчилар гуруҳига хос бўлган умумий белгилар ҳисобга олинади;

– ўқув жараёни учун муҳим бўлган ўзига хосликларгина таълимни индивидуаллаштириш жараёнида ҳисобга олинади;

– аксарият қолларда таълимни индивидуаллаштириш жараёнида ўқувчиларнинг қобилиятлари ва саломатликларига ҳам эътибор қаратилади;

– ўқув жараёнини индивидуаллаштириш қисман амалга оширилади ва у умумий ўқув вазияти билан уйғунлаштирилади.

Ўқув жараёнини индивидуаллаштиришнинг асосий белгиларини ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш учун ўқувчиларга кўпроқ мустақил топшириқлар бериш лозим. Шу билан бир ҳаторда, ўқув жараёнини индивидуаллаштиришда дарснинг таркибий тузилиши ҳам ўзгаради. Индивидуаллаштирилган таълим жараёни олдига бир қатор мақсадлар қўйилади ва бу мақсадларга эришиш учун ўқув машғулоти бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчирилади.

Индивидуаллаштирилган таълим жараёнида қуйидаги ёндашувлар татбиқ қилинади:

1) Ўқувчилар фаолиятини умумий тарзда ташхисловчи, башоратловчи, таълимий, билим берувчи, ривожлантирувчи, шакллантирувчи, қулайлаштирувчи;

2) Ўқувчиларни ўзига хос тарзда мослаштирувчи, тузатувчи ва ҳ.

Синф-дарс тизимида ўқув жараёнини индивидуаллаштириш бир қадар мураккаб кечади. Бу тизимда индивидуаллаштириш ўқув ишининг асосий шакли ҳисобланмайди. Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш учун янги педагогик тизимни вужудга келтириш тақозо қилинади.

Индивидуаллаштирилган ўқув жараёнини алоҳида танлаб олинган ўқитувчилар ёрдамида ташкил этиш ҳам имконсиздир. Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш учун мактаб ҳам янгича иш шаклига ўтиши лозим.

Анъанавий таълимдаги камчиликларни бартараф этиш учун бир қатор ғоялар таклиф қилинади. Уларни бошча ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Анъанавий таълим тизимидаги камчиликларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

– синфдан ташқари таълимнинг турлича шаклларини йўлга қўйиш;

– ўқувчилар мустақил ишларини такомиллаштириш ва уларнинг мазмунини бойитиш кабилар.

Ўқув жараёнини индивидуаллаштиришнинг мазкур шакллари қулай бўлиши билан бир қаторда, айрим камчиликларга ҳам эга. Ўқув-билув жараёнида қуйидаги қулайликлар мавжудлиги кузатилди:

– ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўзига хослигини ҳисобга олиш имконияти туғилади;

– ўқувчиларнинг ўқув-билув жараёнига бўлган қизиқишлари ортади;

– мустақил ишларнинг аҳамияти ошади;

– индивидуал топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчиларнинг ижодкорлик кўникмалари ривожланади.

– ўқув-билув жараёнида қуйидаги камчиликларнинг мавжудлиги ҳам кўзга ташланади:

– синф-дарс тизимида ўқитувчининг ҳар бир ўқувчи билан индивидуал шуғулланиш имконияти чегаралангандир;

– у ёки бу ўқув предметини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш натижасида таълим жараёнининг самарадорлигига путур етади;

– синфдаги барча ўқувчилар ҳам ўқув материалларини ўзлари мустақил ўзлаштириш имкониятига эга эмаслар.

**Фойдаланилган адабиётлар**:


1. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари. Педедагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т.: 2002.

2. Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Введение в деятельность педагога–исследователя: Научн.- метод. пособ. – Калининград, 1998

3. Сафарова Р., Мусаев У. ва б. Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. –Т.: Фан, 2008.

4. Маъмуров Б.Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари // Пед. фан. номз.- дисс. автореф ... – Тошкент, 2009.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ ТАСНИФЛАРИ

***Г.А.АРТИКОВА,***
*ЎзР Қуролли Кучлар Академияси катта ўқитувчиси*

*Мақолада математика дарсларига қўйилган дидактик талаблар, дарс тузилмаси, дидактик тамойиллар ва мақсадлар асосидаги уларнинг турли таснифлари келтирилган.*

***Таянч сўзлар:*** *дарс, дарс босқичлари, дарс тизими, ўқитувчи фаолияти, дарс талаблари.*

*В статье описаны дидактические требования к урокам математики, структура урока, разные классификации уроков на основе дидактических принципов и целей.*

***Ключевые слова:*** *Урок, типы урока, система урока, деятельность преподавателя, требование урока.*

*The article describes the didactic requirements for mathematics lessons, the structure of the lesson, various classifications of lessons based on didactic principles and goals.*

***Key words:****Lesson, types of lesson, lesson system, teacher activities, lesson requirements.*

Умумий ўрта таълим мактабларида – дарс, академик лицей ва олий таълим муассасаларида одатда маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари таълимни ташкил этишнинг асосий шаклларидир. Замонавий таълимда математикани оммавий ўқитиш шаклларининг асосийси сифатида, бир мунча педагогик афзалликларга эга бўлган, дарс қолмоқда. Ўқитишнинг фан бўйича тўгараклар, анжуманлар, ўқув экскурсиялари ва бошқа шаклларини қўллаш эса таълим олувчиларнинг таълим, тарбия ва ривожланиши учун бир хил бўлмаган, ўзига хос шароитларни яратиш билан асосланади. У ёки бу шакллардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ўқув ишининг аниқ дидактик мақсад, мазмун ва методлари орқали аниқланади. Бундан ташқари, бугунги кунда оммалашиб бораётган ўқув жараёнини лойиҳалаштиришдаги ташкилий сифатларни номланишида акс эттирадиган семинар-дарс, конференция-дарс, мунозара-дарс, муаммоли дарс, визуал-дарс, ўйин-дарс в.б.лар ҳамкорликда таълим олишнинг турли методла-

рини жорий этишга асосланган [1,2,3,4]. Шунинг учун ҳам дарс-ўқув машғулотини ташкил этишнинг статик эмас, вариатив шакли сифатида қаралади ҳамда у таълимни ташкил этишнинг доимий ривожланиб борувчи, жамоавий-индивидуал шакли ҳисобланади. Ривожланишнинг асосий йўналишини эса дарснинг ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ижод маҳсули бўлишига эришиш мақсади белгилаб беради [5].

Педагогикага оид манбаларда "дарс" тушунчаси-муайян миқдордаги доимий ўқувчилар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир сифатида таърифланади [6].Унга қуйидаги аломатлар жамланмаси хос:

– аниқ таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг мавжудлиги;

– белгиланган мақсадлар асосида аниқ ўқув материали ва уни ўзлаштириш даражаларини танлаш;

– белгиланган мақсадларга мос ўқув воситаси ва методларини танлаш орқали эришиш;

– таълим олувчилар ўқув фаолиятини ташкил этиш [7,8].

Дарс – унга хос аломатларни ўзида сақлаган ҳолда, бир вақтнинг ўзида нафақат вариатив, балки математикани ўқитишнинг доимий ривожланиб борувчи жамоавий-индивидуал ташкил этиш шакли ҳисобланади. Шу билан бирга, математика дарси ўзига хос бир қатор сифатларга эга:

1) одатда математика дарсининг мазмуни автоном бўлмай, олдин ўрганилганлар негизида, янги тушунчаларни ўзлаштиришга асосни тайёрлаб боришдан иборат бўлиб, бу математика курсининг қатъий мантиқий қурилиши билан боғлиқ;

2) математик билимларнинг мураккаб тизимини ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар мойиллик, қизиқиш ва қобилиятлари бўйича сезиларли ажралиш кўзга ташланиб, математика дарсларида таълимнинг даражали табақалаштириш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш, талабаларда ўзини бошқариш ва ҳ.к.ни амалга ошириш зарурияти билан боғлиқ;

3) математикани ўқитишда ҳар бир ўқувчи дарсда ўрганилаётган материалнинг асосий қисмини ўзлаштириши учун шароит яратилиши муҳим, зеро фундаментал математик тайёргарликсиз шахснинг замо-

навий касбий таълим олиш имконияти чекланган;

4) ўқувчиларнинг математика дарсларида самарали таълим олишга интилишларининг сабаби-математика турдош фанларни ўзлаштиришда таянч фан ҳисобланади;

5) математикани ўқитиш жараёнида назарий материал масалаларни ечиш жараёнида тушунилади ва ўзлаштирилади, шундай экан математика дарсларида кўпинча назария амалиётдан узилмаган ҳолда ўрганилади.

Ҳар қандай дарс ўз таркиби ва тузилмасига эга. Дарснинг таркибига унинг тизимли элементлари (компонентлари, дарс босқичлари) киради. Дарс тизими деганда эса, таълим жараёнида вужудга келувчи ва унинг мақсадли фаолиятини таъминловчи элементлар орасидаги турли вариантдаги таъсирлар жамланмаси тушунилади. Дарснинг асосий тизимли элементларини танлашга турли ёндашувлар мавжуд [9,5]. Уларнинг таркибий қисмига қараб, дарс тизими умумийликнинг турли даражаларига эга.

Дарсни лойиҳалаштири шуни ташкил этишнинг шарт ва қоидаларига, шунингдек, талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши зарур. Шартлар деганда, дарсни талаб даражасида ташкил этиш мумкин бўлган омиллар тушунилади. Таълим жараёнининг таҳлили[5]икки гуруҳдаги шартларни ажратиш имконини беради: ижтимоий-педагогик ва психологик-дидактик.

Дидактик тамойиллардан келиб чиқувчи асосий қоидалардан ташқари, ўқитувчи дарсга тайёргарликда таълим жараёнининг мантиқига, таълим беришнинг тамойиллари ва қонуниятларига асосланган дарсни ташкил этишнинг махсус қоидаларига таянади.

Дарснинг моҳияти ва структурасини ўрганиш шунга олиб келдики, дарс мураккаб педагогик объект экан. Ҳар қандай мураккаб объект каби, дарслар турли аломатларга кўра типларга ажратилади. Дарсларни турли таснифларинингмавжудлиги шу билан тушунтирилади. Таълим назарияси ва амалиётида дарснинг қуйидаги таснифлари нисбатан кенг тарқалган [9]:

– асосий дидактик мақсадга кўра;
– ўтказишнинг асосий усулига кўра;
– ўқув жараёнининг асосий босқичларига кўра.

Қайд этилган дарслардан айримларининг босқичларига тўхталиб ўтамиз.

*1. Янги материал билан таништириш дарси.*

Янги материал билан таништириш дарсининг структураси унинг асосий дидактик мақсади билан аниқланади: тушунчани киритиш, ўрганилаётган объектларнинг хоссаларини ўрнатиш, қоида, алгоритмларни ўрнатиш ва ҳ.к. Унинг асосий босқичлари:

– дарснинг мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолиятининг мотивациясини эълон қилиш;

– янги материални ўрганишга тайёргарликни таянч тушунчаларни такрорлаш ва фаоллаштириш орқали амалга ошириш;

– янги материал билан танишиш;

– ўрганилаётган объектлардаги алоқа ва муносабатларни бирламчи тушуниш ва мустаҳкамлаш;

– уйга вазифани бериш;

– дарсга якун ясаш.

*2. Билим ва кўникмаларни татбиқ этиш дарси.*

– уй вазифасини текшириш;

– қўлланилаётган билим ва кўникмаларнинг, дарснинг мавзуси, мақсад ва вазифаларини эълон қилиш, уларнинг амалий аҳамиятини талабалар англаши орқали ўқув фаолияти мотивациясини амалга ошириш;

– қўйилган вазифаларни бажаришда амалий ҳаракатларни қўллашнинг мазмун ва кетма-кетлигини англаш;

– ўқитувчи назорати остида ўқувчилар томонидан вазифаларнинг мустақил бажарилиши;

– бажарилган вазифаларниинг натижаларини умумлаштириш ва тизимлаштириш;

– дарсга якун ясаш ва уй вазифасини бериш.

*3. Дидактик ўйинли дарс.*

Ўйинлардан фарқли равишда дидактик ўйин – ўқитишнинг аниқ қўйилган мақсади ва унга мос педагогик натижасига эга. Дидактик ўйин мустаҳкам тузилмага эга бўлиб, қуйидаги асосий компонентлар: ўйин ғояси, қоидалар, ўйин ҳаракатлари, билиш мазмуни ва дидактик масалалар, жиҳозлар, ўйин натижасига эга.

Ўйин ғояси, қоида бўйича ўйин номланишида акс этади. У дарсда ечиш керак бўлган дидактик масалага қўйилган бўлиб, ўйинга билиш

характерини беради, иштирокчиларга билимлар борасида аниқ талаблар қўйилади. Қоидалар орқали ўйин жараёнида ўқувчиларнинг ҳаракатлари ва ўзларини тутишлари аниқланади, дарсда ишчи муҳит яратилади. Шунинг учун уни ишлаб чиқиш дарснинг мақсади ва таълим олувчилар имкониятларидан келиб чиқади. Ўз навбатида, ўйин қоидалари орқали ўқувчилар томонидан ўзларини бошқариш кўникмаларини шакллантириш муҳити яратилади.

Дарснинг турли босқичларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Янги билимларни ўзлаштиришда дидактик ўйинларнинг имкониятлари ўқитишнинг нисбатан анъанавий шакллари фойдасига ютқазади. Шунинг учун, улардан кўпинча ўқитиш натижаларини текшириш, малакаларни ишлаб чиқиш, кўникмаларни шакллантиришда фойдаланилади. Шу билан бирга, ўргатувчи, назорат қилувчи ва умумлаштирувчи дидактик ўйинлар фарқланади.

Дидактик ўйинлар улардан тизимли фойдаланишда ўқувчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи самарали воситага айланиб бормоқда [10].

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Дьяченко В.К. Организационная структура учебного процессе и ее развитие. - М: Педагогика, 1989. - 160с.

2. Ибрагимов Г.И. Развитие форм организации обучения в педагогической теории и практике, 1950-1990г.г.: Дис. ... д-ра пед.наук. - Казань, 1993.-381с.

3. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. - М.; Знание, 1989. - 80с.

4. Окунев А.А, Как учить не уча. - СПб.: Питер Пресс, 1996. - 448с.

5. Махмутов М.И. Современный урок. - М.: Педагогика, 1985. - 184с.

6. https://uz.wikipedia.org/wiki/Dars

7. Онищук В.А. Урок в современной школе. - М.: Просвещение, 1981. - 191с.

8. Подласый И.П. Педагогика. - М.: Просвещение, 1996. - 432с.

9. Дидактика современной школы / Под ред. В.А.Онищука. - К.: Рад.шк., 1987.- 351с.

10. Кларин М.В. Инновационные модели учебного процесса в современной зарубежной педагогике: Дис. ... д-ра пед.наук. - М., 1994. - 365с.

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ФИКРЛАШ ФАОЛЛИГИНИ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**_И.И.ТУЙЧИЕВА,_**
_ФарДУ "Педагогика" кафедраси_

_Ушбу мақолада мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг фикрлаш фаоллигини узлуксиз ривожлантиришнинг ўзига хос педагогик-психологик хусусиятлари, бу жараёнда мактабгача таълим мазмунини такомиллаштиришнинг педагогик зарурияти ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада болада фикрлаш жараёни вужудга келишининг мураккаб психологик жиҳатлари очиб берилган._

**_Таянч сўз ва иборалар:_** _мактабгача таълим, фикрлаш фаоллиги, кўргазмали-амалий фикрлаш, кўргазмали-образли фикрлаш, сўз-мантиқий фикрлаш, реактив фикрлаш, диққатни жамлаш, синкретизм, интеллект, нутқ._

_This article discusses the specific pedagogical and psychological features of the continuous development of preschool activities among preschool children, as well as the pedagogical need to improve the content of preschool education. The article also explains the complex psychological aspects of a child's thinking._

**_Key words:_** _preschool education, active microstructure, demonstrativeno-practical, microstructure, image mapping, logic microstructure, reactive microstructure, concentration, syncretism, intelligence, rech._

_В данной статье рассматриваются специфические педагогические и психологические особенности непрерывного развития дошкольной деятельности у дошкольников, а также педагогическая необходимость совершенствования содержания дошкольного образования. В статье также объясняются сложные психологические аспекты мышления ребенка._

**_Ключевые слова:_** _дошкольное образование, активное мышление, демонстративно-практическое мышление, образное мышление, логическое мышление, реактивное мышление, концентрация, синкретизм, интеллект, речь._

Фаол фикрлаш инсоннинг иродаси билан, яъни муаммо (савол) доирасида у томонидан белгиланган фикрлаш дастури бўйича қуриладиган ва динамик равишда сақланиб туриладиган фикрлаш жараёни ҳисобланади. Бундай фикрлаш жараёни реактив фикрлашдан фарқли равишда, муайян малакаларни, айниқса диққатни жамлашни талаб этади, бунда мия келиб тушадиган қўзқатувчиларга жавобан таъсирланади ёки тартибга солинмаган ички сўровларга жавоб қайтаради. Фаол

фикрлашга ўрганиш мумкин.

Фикрлаш жараёнининг психологик жиҳатларини Э.Ғозиев батафсил асослаб берган[2; 70-б.]. У фикрлаш мия фаолиятининг маҳсули эканлигини таъкидлайди. Инсоннинг оддий ҳаракатлардан тортиб, энг мураккаб муаммоларни ечишга қаратилган жараёнларнинг барчаси мияда содир бўлажагини таҳлил қилади.

Мактабгача ёш даврида кўргазма-амалий фикрлашнинг кейинги ривожланиши, сўз-мантиқий фикрлаш элементларининг шаклланиши юз беради. Мактабгача ёш давридаги болалар фикрлаш фаолиятининг асосий шакли кўргазмали-образли фикрлаш ҳисобланади.

Мактабгача ёш давридаги болалар масалаларни ечишда ўрганилаётган предметни қайта ўзгартирувчи амалий ҳатти-ҳаракатлар билан бевосита алоқадорликдаги кўргазмали-амалий фикрлашдан фойдаланишда давом этадилар. Мактабгача ёш даври давомида болани янада турли-туман ва мураккаб фикрлаш масалаларини тузиш ва ечишга ундовчи, унинг кенгайиб борувчи амалиёти, ортаётган эҳтиёжлари, нутқ ривожланиши таъсирида кўргазмали-амалий фикрлаш такомиллашиб, юқорироқ даражага ўтади, у эса қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

– катта мактабгача ёш давридаги болаларда масалани кўргазмали-амалий ечишга оғзаки шаклдаги хаёлан ечиш ҳамроҳлик қилади;

– бола томонидан амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатларнинг моҳияти ўзгаради (синаб кўриб ҳаракатлари ихчамлашади, ўзининг муаммолилигини йўқотади, кўпроқ ижро этиш ҳаракатлари билан алмашади).

Фикрлашнинг кўргазма-амалий шакли йўқолмайди, янги ақлий масалаларни ечишда бола яна уларни ечишнинг амалий усулидан фойдаланади. Бундай масалаларни ечишда у ёки бу тарзда нутқдан фойдаланилади. Бола томонидан фаол ва пассив луғатнинг ва нутқнинг грамматик тузилишининг шаклланиши масалани англашга, унинг ечиш усулларини тушуниб етишга ёрдам беради.

Боланинг амалий фаолиятини киритилганида нутқ унинг фикрлаш жараёнини ўзгартиради ва амалий ҳатти-ҳаракатни тузилиши бўйича мураккаб бўлган ақлий ҳаракатга ўзгартиришга ёрдам беради.

Мактабгача ёш давридаги болалар фикрлаш фаолиятининг устун шакли кўргазмали-образли фикрлаш ҳисобланиб, унда бола аниқ бир предметлар билан эмас, балки уларнинг образлари ва тасаввурлари билан ҳаракат қилади. фикрлашнинг бундай тури ҳақиқий объектларни ва мазкур объектларни акс эттирувчи моделларни табақалаштириш

қобилияти асосида шаклланади. Асл кўриниши билан боғлиқ моделлар билан амаллар бажариш, ҳатти-ҳаракатнинг аниқ бир объектлардан келгуси “ажралиши” имконини беради ва уларни тасаввурлар кўринишида амалга оширишга олиб келади. Образли фикрлашнинг муҳим шарти – катта инсонга тақлид қилиш бўлиб, унинг давомида бола катта инсоннинг ҳатти-ҳаракатини такрорлайди, моделлаштиради ва уларнинг образини қуради. Ўйинни ҳам тақлиднинг шаклларидан бири деб ҳисоблаш мумкин, чунки ўйин фаолиятида болада бир буюмни бошқаси ёрдамида ифодалаш қобилияти намоён бўлади.

Боланинг фикрлаш фаолиятининг образлилигининг энг характерли хусусияти *синкретизм* ҳисобланиб, бу мактабгача ёш давридаги болага хос бўлган фикрлаш сифати бўлиб, унда у идрок этиш асосида унда сақланадиган образга мос равишда, уни табақалаштиришсиз ва изчил таҳлил қилишсиз, энг ёрқин қисмларини ўз-ўзидан бирлаштириш орқали схемалар, яхлит, ажратилмаган вазиятлар билан фикрлайди. Сақланувчи образда предметнинг аҳамиятли хусусиятларини ажратишни билмасдан бола у учун энг эътиборли, ихтиёрий белгиларни ажратади. Мазкур тасодифий белгилар бўйича мактабгача ёш давридаги бола у ёки бу предметни танийди. Синкретизм болалар кам таниш бўлган мазмунни қандай идрок этишларида яққол намоён бўлади. кичик болада сўз шу сўз билан боғлиқ бўлган ягона предметнинг аниқ бир образини уйғотади. Мазкур образ яхлит ҳисобланади, у ҳали таҳлил қилинмайди, шунинг учун ҳам умумий фойдаланилади.

Фақатгина катта мактабгача ёш даврида аниқ бир предмет маълум тоифага киритилиши мумкин бўлган предметдаги аҳамиятли деталларни ажратиш қобилияти юзага келади. Аммо таниш бўлмаган предметларни учратиб ҳатто катта мактабгача ёш давридаги бола уларнинг ташқи белгиларини тартибсиз санаб ўтишга яна қайтади ёки предметнинг вазифасини кўрсатади. Болалар предметларни, агар уларга мос умумлаштирувчи сўз-атама маълум бўлсагина тўғри гуруҳлай оладилар. Предметларни гуруҳлашда мактабгача ёш давридаги бола ўзининг тажрибасида ажратадиган хусусиятлари ва алоқадорликлар катта аҳамиятга эга бўлади.

Мактабгача ёш даврида умумлаштиришнинг ривожланиш даражаси қуйидагилар билан бевосита алоқадорликда бўлади:

– мактабгача ёш давридаги боланинг мазкур гуруҳга киритилган предметларнинг турли-туманлиги билан танишлиги даражаси;

– мазкур гуруҳдаги барча предметларни умумлаштирувчи сўзни билиш;

– катта инсоннинг болага қўядиган талаблари (улар орасида тушунчани аниқлаш, яъни "бу нима" саволига жавоб айниқса қийин ҳисобланади; болалар учун бир турдаги предметларни гуруҳга бирлаштириш осонроқ ҳисобланади).

Мактабгача ёш давридаги боланинг фикрлашининг аниқ образлилиги айрим содда фикрлар ва мулоҳазаларни инкор этмайди. Мактабгача ёш давридаги боланинг мантиқий фикрлаши ихтиёрий шаклда умумий ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади: масалада ва унинг ечимида таниш бўлмаган шартлар ўрнига "таниш ҳисси" асосида кўпроқ таниш бўлганларини осон қўйиш, нафақа объектларнинг аҳамиятли хусусиятлари ўртасидаги, балки тасодифий, ташқи, иккинчи даражали жиҳатлари билан содда алоқаларни ўрнатиш. Бу мактабгача ёш давридаги болалар фикрлаш жараёнларининг ўзи хослиги билан боғлиқдир.

Ж.Пиаже[3] ўрта мактабгача ёш давридаги болаларда интеллектнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган муайян психологик ҳодисаларни аниқлаган ва улар кейинчали Пиаже ҳодисаси деб атала бошланган. Улар болаларнинг предметларнинг мавҳум хусусиятлари тўғрисидаги хато фикрлашларида намоён бўлиб, улар бу предметларнинг ўлчанадиган тавсифлари (миқдори, ўлчами, ҳажми ва ҳ.к.) билан боғлиқ ва мактабгача ёш давридаги болаларнинг операцияларнинг такрорланувчанлигини англамасликлари, модданинг миқдори ва предметнинг миқдори уларнинг шаклини ёки ўзаро жойлашишини ўзгартиришда сақланишини принципларини тушунмасликлари билан боғлиқ. Мактабгача ёш давридаги болалар фикрлаши учун анимизм (психик ва объктив оламни ажратмаслик), артификализм (табиат ҳодисаларини инсонларнинг онгли фаолиятлари натижаси сифатида тушуниш) ва билишга оид эгоцентризм (бутун олам ўзининг шахсий, ягона ва мутлақ нуқтаи назари билан кўриладиган боланинг алоҳида интеллектуал ҳолати, оламни билиш ва турли вазиятларни мувофи?лаштиришнинг нисбийлигини тушуна олмаслик) хос бўлади[3; 63-64-б.].

Шу тариқа, мактабгача ёш даврида болалар фикрлаш фаолиятининг қуйидаги хусусиятларини ажратиш мумкин:

– психик ва объектив оламни ажратмаслик;

– табиат ҳодисаларини инсонларнинг онгли фаолиятлари натижаси сифатида тушуниш;

– бутун олам ўзининг шахсий, нуқтаи назари билан кўриладиган интеллектуал ҳолат;

– оламни билиш ва турли вазиятларни мувофиқлаштиришнинг нисбийлигини тушуна олмаслик;

– психик функцияларнинг ажратилмаганлиги;

– кўргазмали-амалий, кўргазмали-образли ва сўз-мантиқий фикрлаш шаклларининг ўзаро алоқадорлиги.

Р.С.Буре ва Л.Ф.Островскаялар[4] боланинг алоҳида фикрлаш турини ажратган – бу болаларнинг синаб кўриши бўлиб, у кўргазмали-амалий ва кўргазмали-образли фикрлашнинг умумийлигини акс эттиради ва кузатишдан яширин бўлган предметларнинг хусусиятлари ва алоқаларини аниқлашга йўналтирилган. Болаларнинг синаб кўриши катта инсон томонидан ташкил этилмайди, балки боланинг ўзи томонидан амалга оширилади. Синаб кўриб жараёнида мактабгача ёшдаги бола янги, кўпинча у учун кутилмаган маълумотни олади, бу эса амалларнинг ва боланинг объект тўғрисидаги тасаввурларининг ўзгаришига ёрдам беради. Объектни ўзгартириш бола томонидан унинг янги хусусиятларини аниқлашига олиб келиб, улар ўз навбатида мураккаброқ даражадаги янги қайта ўзгаришларни амалга оширишга имкон беради. Фикрлаш жараёни нафақат тайёр ҳатти-ҳаракат усулларидан фойдаланишни, балки янгиларини яратишни (боланинг ўз имкониятлари доирасида) назарда тутади. Синаб кўриш янги ҳатти-ҳаракатларни излашни фаоллаштиради ва болалар фикрлашининг мослашувчанлигини ривожлантиради. Мустақил синаб кўриш мактагача ёш двридаги бола учун ҳатти-ҳаракатнинг турли вариантларини синаб кўриш, бола тафаккурининг тайёр схемалар билан чекланганлигини енгишга имкон беради[4; 69-71-б.].

Хулоса қилиб айтганда, фикрлаш фаолияти нафақат билмасликдан билишга томон (ноаниқ билимлардан аниқроқ томон), балки тескари йўналишда – тушунарлидан тушунарсизга, аниқдан ноаниққа томон ҳам ривожланади. Бу жараёнда катта инсоннинг роли боланинг билишга оид фаоллигини рағбатлантирувчи ва болалик синаб кўришга кўмаклашувчи махсус объектлар ёки вазиятларни яратишдан иборат бўлади.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил., 6-сон, 70-модда.

2. Ғозиев Э. Психология: (Ёш даврлари психологияси): Пед. ин-тлари ва ун-тларнинг талабалари учун ўқув қўлланма - Т.: Ўқитувчи, 1994., - 224 б.

3. Пиаже Ж. Психология интеллекта. - СПб.: Питер, 2003. - 192 с.

4. Буре Р.С., Островская Л.Ф. Воспитатель и дети. М., 2003.

# ЭФФЕКТИВНОСТЬ ОСВОЕНИЯ ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ОСНОВ ОПТИМИЗАЦИИ УЧЕБНО-ТРЕНИРОВОЧНЫХ ЗАНЯТИЙ СРЕДСТВАМИ ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ МУЗЫКИ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

***З.Х.ПАЛИБАЕВА,***
*ст.преподаватель Государственная консерватория Узбекистана*

*Ushbu maqolada funktsional musiqa ta'sirining mexanizmlari uchun ilmiy asoslar mavjud. Uning psixo-emotsional holatiga va sport bilan shug'ullanish jarayonida ishtirok etayotganlar, shuningdek umumta'lim maktablari, akademik litseylar, kollejlar va oliy o'quv yurtlarida jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga ta'sir ko'rsatishdagi o'rni*
***Tayanch so'z va iboralar**: jismoniy tarbiya, sport, ommaviy sport harakati, uzluksiz sport harakati tizimi, hissiy holat, nevropiziologiya, funktsional musiqa, sog'liqni saqlash*

*The article presents a scientific rationale for the mechanisms of action of functional music. Its role in influencing the psycho-emotional state and performance of those engaged in the process of sports activities, as well as in physical education classes in secondary schools, academic lyceums, colleges and universities*
***Key words**: physical culture, sport, mass sports movement, system of continuous sports movement, emotional state, neurophysiology, functional music, health.*

*В представленной статье рассматривается научное обоснование механизмов воздействия функциональной музыки. Её роль в воздействии на психоэмоциональное состояние и работоспособность занимающихся в процессе спортивных занятий, а такжев учебных занятиях по физическому воспитанию в средних образовательных школах, академических лицеях,колледжах и вузах.*
***Ключевые слова:** физическая культура, спорт, массовое спортивное движение, система непрерывного спортивного движения, эмоциональное состояние, нейрофизиология, функциональная музыка, здоровье.*

Среди наиболее значимых проблем нашего общества в последние годы является существенное снижение уровня физического и психического здоровья населения, рост числа заболеваний, имеющих психосоматическую этимологию, причем – практически во всех возрастных группах онтогенеза на фоне значительного уменьшения потребности в физических нагрузках. Один из основоположников современной медицины, древнегреческий врач и философ Гиппократ (459-377 гг. до н. э.) в своих произведениях утверждал, что для продления жизни необходимы: умеренный образ жизни, общеукрепляющая гимнастика, свежий воздух с прогулками, эти компоненты он называл «пищей для жизни». Великий древнегреческий философ Аристо-

тель также писал: «Жизнь требует движения. Ничто так не истощает и не разрушает человека, как длительное физическое бездействие». [2,7]

О необходимости выполнения физических упражнений в лечении и закаливающих процедур, профилактики различных заболеваний было отражено и в трудах великого ученого Абу Али Ибн Сины (Авиценны) [2,7]

Поэтому физическое состояние человека сегодня является одним из важных компонентов в сохранение и укреплении здоровья. Опыт десятков тысяч людей, испытавших на себе воздействие того рода неблагоприятных факторов, показывает, что лучшим противодействием им является регулярные занятия физическими упражнениями, которые помогают восстановлению и укрепления здоровья, адаптации организма к условиям внешней среды.

На сегодняшний момент уровень физической подготовки молодежи не соответствует тем требованиям, которые общество предъявляет гражданам. Сегодня важно добиться, чтобы учебные занятия стали в стране по-настоящему массовыми. Для этого необходимо, чтобы интерес к занятиям физической культурой прививался в семье и в школе, дворы стали спортивными, а в каждой школе приоритетное внимание уделялось бы физическому воспитанию детей и подростков.

Всестороннее развитие личности в условиях ускорения социально- экономического и научно-технического процесса немыслимо без повышения общей культуры. Она играет важную роль в процессе социального становления и формирования личности, пронизывает все сферы ее жизни и деятельности. Поэтому процесс гармоничного формирования личности в системе непрерывного образования нацелен на общекультурное развитие, составной частью которого является физическая культура и спорт.

Целью спортивной подготовки является достижения максимально возможного для данного индивидуума уровня технико- тактической, физической и психической подготовленности,обусловленного спецификой спорта и требованиями достижения максимально высоких результатов в соревновательной деятельности [4,286].

Рекорды в спорте высших достижений, победы в официальных международных,национальных и других спортивных соревнований создают повышенное внимание комплексному и полномасштабному развитию массового спорта. В последние годы проводится целенаправленная научно-организационная работа по формированию многоступенчатой универсальной системы непрерывного спортивного движения, и на её основе – созданию соответствующего,модельного инструментария на принципах последовательности и непрерывности, а также саморазвития – качественного и количественного воспроизводства новых участников массового спортивного движения(6,8)

Необходимо отметить, что на базе звеньев «Целостной всеузбекской

системы непрерывного спортивного движения » была создана модель многоступенчатых соревнований «Умид ниҳоллари» (учащиеся средних школ 1-9 классы), «Баркамолавлод» (учащиеся лицеев и колледжей), «Универсиада» (студенты высших учебных заведений) [5,13[. Проводятся игры трехступенчатой системы соревнований, задачей которых является укрепление здоровья занимающихся и обеспечение их гармоничного физического развития.

Особое значение при разработке и практическом применении физкультурно-спортивных технологий приобретает психоэмоциональное состояние занимающихся, по данным современной нейрофизиологии необходимо, чтобы спортивные занятия и тренировки вызывали положительные эмоции, обеспечивая повышение эффективности тренировок и формируяздоровую потребность в них.

Упражнения, требующие большего контроля за движениями со стороны ребёнка, лучше проводить без музыки, так как она может затруднять выполнение упражнений. Сюда можно отнести прыжки, лазанье, а также упражнения на равновесие и метание.К критериям подбора музыкального сопровождения двигательной деятельности детей относятся доступность ритма, темпа музыки для восприятия,психовозрастныеособенности.Так на примере использование современной музыки, в которой, за счет текста и средств музыкальной выразительности, создается эмоционально-образный ряд, не доступный для адекватного детского восприятия оказывает негативное влияние на формирование эстетических представлений детей , культуру движения с музыкой и на детскую психику. Поэтому подбираемая для двигательной активности музыка должна гармонично согласовываться с выполняемыми движениями.

Умело подобранная музыка создает наиболее благоприятные физиологические и психоэмоциональные условия для оптимальной реализации потенциальных возможностей студенческой молодежи вузов. Под влиянием специальной музыки на фоне передаваемых ею положительных эмоций и ритмических пульсаций можно существенно интенсифицировать учебно-тренировочный процесс и повысить работоспособность студентов-спортсменов. Работающие мышцы, мускулатура образуют поток импульсов, постоянно стимулирующий обмен веществ, деятельность нервной системы и всех органов, что улучшает использование тканями кислорода, не откладывается избыточный жир, повышаются защитные свойства организма, улучшается настроение, радость и удовольствие от двигательной активности.

Музыку, используемую во время учебно-тренировочных занятий, по функциональной направленности условно можно разделить на встречающую музыку,музыку врабатывания, лидирующую, успокаивающую и провожающую музыку. Каждая из этих разновидностей имеет свои задачи выполняет прису-

щие ей функции икачественно отличается от остальных.Лидирующая музыка стимулирует основной вид применяемой двигательной деятельности.Музыкальные произведения для ходьбы, бега, подпрыгиваний должны быть ритмичными, маршеобразными, быстрого темпа, с музыкальным размером, позволяющим занимающимся без дополнительных усилий, выполнять упражнения в соответствии с лидирующей музыкой. Общеразвивающие упражнения и упражнения с элементами художественной гимнастики требуют спокойной, равномерной, мелодичной, но в тоже время энергичной музыки. Удачно подобранное музыкальное сопровождение позволит занимающимся занять исходное положение и полноценно выполнить движения. Правильность выполнения движений обеспечивается чётким согласованием с музыкой, то есть синхронность с заданным ритмом и темпом. В заключительной части занятия целесообразно применять музыкальные произведения, способствующие снятию утомления и восстановлению сил, иными словами, успокаивающая музыка. Она должна содействовать снижению нагрузки, физического и психоэмоционального напряжения и перехода организма в относительно спокойное состояние.

**Литература:**


1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию физической культуры и массового спорта» от 1 июня 2017г.
2. Лечебная физическая культура.Учеб.для студ. высш.учеб.заведений/ С.Н.Попов, Н.М.Валеев, Т.С.Гарасева и др.; Под редакцией С.Н. Попова. Издательский центр «Академия» 2004г. -416 с.
3. Медицинская валеология. Ш.Б Иргашев.Ташкент 2012 г.-335с.
4. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте.Общая теория и её практические приложения. В.Н.Платонов// Киев.Олимпийская литература. 2004 г.-808 с.
5. Системное обеспечение развития массового спортивного движения в стране/Фан-спортга, 2014 г. № 2 9-13 с.

# СТИЛИ ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЯ

***О.И.ЗУФАРОВА,***
*научный сотрудник УзНИИПН*

*Ҳар бир киши индивидуалдир, шунингдек қарорлар қабул қилиш усуллари. Ушбу мақолада таълим муассасаси раҳбарининг қарорларни қабул қилиш услублари тасвирланган.*

***Таянч сўз ва иборалар**: самарадорлик, имконият, индивидуаллик, вазият, услубни аниқлаш.*

*Каждая личность индивидуальна, как и способы принятия им решений. В данной статье описываются стили принятия решений менеджером образовательного учреждения*

***Ключевые слова:** эффективность, возможность, индивидуальность, ситуация, определяющий стиль.*

*Each person is individual, as are the ways in which he makes decisions. This article describes the decision-making styles of an educational institution manager.*

***Key words:** efficiency, opportunity, individuality, situation, defining style.*

Анализ источников показал, что чаще всего считается, что люди различаются по двум критериям, определяющим метод, к которому они прибегают в условиях, когда им необходимо принять решение. Первое - это индивидуальный способ мышления. Ведь не секрет, что некоторые менеджеры стремятся быть предельно рациональными и логичными, долго обдумывая итщательно обрабатывая информацию. Менеджеры данного типа, перед тем как принять то или иное решение, старательно анализируют все данные, чтобы убедиться, что они логичны и однородны. Менеджеры противоположного склада стремятся к творчеству и в основном полагаются на интуицию. Они, как правило, не обрабатывают и не классифицируют полученную информацию в определенном порядке, а анализируют ее в целом.

Второй критерий - толерантность к неопределенности. Некоторые менеджеры терпеть не могут неопределенности, поэтому они стремятся к разработке последовательной и точной структуры информации, что позволяет свести неопределенность к минимуму. С другой стороны, некоторые менеджеры вполне нормально относятся к высокому уровню неопределенности и могут одновременно обрабатывать множество идей. Если отобразить эти критерии на диаграмме, можно увидеть, что вырисовывается четыре основных стиля принятия решений: директивный, аналитический, концептуальный и поведенческий.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Высокий | Степень принятия неопределенности | Аналитический | Концептуальный |
| Низкий | | Директивный | Поведенческий |

способ мышления

рациональный интуитивный

*Рис. 1. Стили принятия решений*

Директивный стиль. Менеджеры, прибегающие к директивному стилю, характеризуются низким уровнем толерантности к неопределенности и рациональным образом мышления. Они работают эффективно и логично, принимают быстрые решения и ориентируются на их быстрое выполнение. Результатом их эффективности и скорости нередко становятся принятие решений на основе минимального объема информации и всего нескольких вариантов.

Аналитический стиль. Менеджеры, предпочитающие аналитический стиль, имеют гораздо более высокий уровень толерантности к неопределенности, чем люди, которым близок директивный стиль. Они стараются получить больше информации для принятия решения и рассматривают больше вариантов. Менеджеры данного типа принимают решения осторожно, они способны адаптироваться к самым неординарным ситуациям и успешно справляться с ними.

Концептуальный стиль. Менеджеры, склонные к концептуальному стилю, стремятся получить как можно больше информации и рассматривают множество вариантов. Они ориентируются на долговременные программы и очень хороши в поиске творческого разрешения проблем.

Поведенческий стиль. Менеджеры, выбирающие поведенческий стиль, весьма успешно сотрудничают с другими. Они, интересуются достижениями подчиненных и чрезвычайно восприимчивы к предложениям коллег. Они часто организуют различные собрания для обмена информацией и при этом всячески стараются избегать конфликтов. Для них очень важно получить от других одобрение своих действий.

Несмотря на теоретически четкое разграничение описанных выше четырех стилей принятия решений, в реальности большинство менеджеров харак-

теризуются более чем одним стилем. Вероятно, разумнее всего определить доминирующий и дополнительные стили менеджера. При этом некоторые-управленцы практически всегда будут полагаться исключительно на свой доминирующий стиль, в то время как другие более гибкие, могут менять его в зависимости от ситуации.

Менеджерам следует помнить, что их сотрудники могут иметь очень разные стили принятия решений. Некоторые из них много времени отводят на тщательное взвешивание различных вариантов и анализ более раскованных (аналитический стиль), другие стремятся собрать как можно больше мнений других людей по интересующему их вопросу (поведенческий стиль). Это отнюдь не делает один подход лучше другого. Это просто означает, что эти менеджеры имеют разные стили принятия решений (Стивен П.Роббинз, Мэри Коултер).

«Каждое решение сродни хирургической операции», - считает Питер Друкер. Оно представляет собой вмешательство в ту или иную систему и, следовательно, таит в себе риск отрицательного исхода. Вот почему неоправданные решения так же вредны, как хирургическое вмешательство без медицинских показаний. Менеджеры, принимающие решения, отличаются по стилю работы. Кто-то из них больший радикал, кто-то больший консерватор. Однако, весь поведенческий анализ показал, можно указать несколько правил, общих для всех менеджеров, принимающих решения.

Решения должны приниматься в случае, когда ситуация однозначно ухудшится без него. Это правило также применимо к благоприятным возможностям. Если возможность действительно важна для менеджера и, в то же время, может быть утрачена в случае промедления, тогда нужно действовать - и готовиться к реальным переменам.

С другой стороны, бывают ситуации, которые могут разрешиться сами собой, даже если не принимать активных действий. Если, отвечая на вопрос: «Что случится, если мы ничего не предпримем?», руководитель признает: «Все образуется само собой», значит, вмешиваться в ход событий не следует. Не следует ничего предпринимать и в том случае, если ситуация, даже создавая определенные неудобства, не имеет особого значения для организации и вряд ли может серьезно ей повредить.

**Использованная литература:**

1. Роббинз, Стивен П., Хансейкер, Филип Л. Тренинг делового общения для менеджеров. Руководство по управлению кадрами. - М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2007.

2. Роббинз, Стивен П., Коултер Мэри. Менеджмент. - М.: Издательский дом «Вильямс», 2007.

# РАЗВИТИЕ НЕПРЕРЫВНОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

***И.Г.ГАЛУЩЕНКО,***
*кандидат искусствоведения,*
*профессор Государственной консерватории Узбекистана*

*Мазкур мақолада мусиқий таълимнинг ривожланишида замонавий талаблар тўғрисида айтиб ўтилган. Мусиқий таълимнинг асосий тамойилларига характеристика берилган.*

***Калитли сўзлар:*** *узлуксиз таълим тизими, ижод, мусиқий таълим, санъат.*

*This article discusses issues related to modern requirements for the development of music education. The main provisions of music education are characterized.*

***Key words:*** *continuing education system, creativity, music education, art.*

*В данной статье рассмотрены вопросы, связанные с современными требованиями к развитию музыкального образования. Охарактеризованы основные положения музыкального образования.*

***Ключевые слова:*** *система непрерывного образования, творчество, музыкальное образование, искусство.*

В современную эпоху актуализируются проблемы подготовки специалистов с высоким профессиональным и социальным потенциалом во всех областях системы образования, в том числе, и в музыкальном образовании. Указ Президента Республики Узбекистан от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» является логическим продолжением осуществляемых преобразований системы образования и направлен на интеграцию отечественной системы образования в мировое научно-образовательное пространство [1, с. 1-2]. Сегодня многократно аргументируется мысль о создании наиболее эффективных систем музыкального образования, максимально способствующих развитию культурного потенциала человека на основе духовных ценностей. Так фиксируется необходимость наделения непрерывной системы музыкального образования культуросообразующей функцией и способностью креативного мышления. Проявляется и осознается эта необходимость и на уровне законодательных актов, и на уровне нормативных документов, выделяющих национальные и общечеловеческие ценнос-

ти для обеспечения духовных потребностей, эстетических запросов современного общества.

Акцентуация культуросообразующей и культуроразвивающей функций музыкального образования как социально-педагогической системы позволяет не только рассмотреть его место и роль в национальной музыкальной культуре, но и обозначить задачи реализации этих функций в контексте обновления музыкального образования в процессе непрерывного развития. Ориентация музыкального образования на формирование гармонично развитой личности приобрела характер его ведущей тенденции. Сегодня требуется создание личностно-развивающей национально-культурной музыкально-образовательной системы, разработка инновационных технологий музыкально-образовательного функционирования, развитие широкого круга возможностей, реально порождающих в непрерывной системе музыкального образования субъективность и бытийность индивида в обществе.

Процесс модернизации музыкального образования обычно связывается с фрагментарностью, схематичностью и алгоритмичностью внедрения ценностей национальной культуры в учебный процесс. Устремленность к творческому взаимодействию индивида с национальной музыкально-культурной средой стала одной из ведущих тенденций в научном осмыслении личностного бытия человека, что выдвинуло национальную музыкальную культуру в разряд наиболее актуальных проблем музыкального образования. Такой подход согласуется с современной идеологией образования, в которой цели осуществления национально-культурного содержания соединяются с задачами духовно-эстетического развития личности. Это придает значимость концептуальной идее системы непрерывного музыкального образования как национально-культурного феномена, в котором аксиологический подход к национальному музыкальному искусству как средству социального инструмента воспитания специалиста является важнейшим фактором, стимулирующим познавательную и творческую виды деятельности. «В современных условиях требуется не просто специалист с высшим образованием, а личность интеллектуально и профессионально развитая, прогрессивно и творчески мыслящая, ориентирующаяся в сложных проблемах, понимающая и учитывающая законы развития общества и окружающей среды» [2, с. 99].

Охарактеризуем основные положения непрерывного музыкального образования:

1. Музыкальное образование должно отражать актуальные аспекты реального состояния инфраструктуры общества, поэтому прогнозирование развития непрерывного музыкального образования неотделимо от глубокого анализа, общественного и личностного бытия, креативных процессов социокультурных ситуаций.

2. Целеполагание в музыкальном образовании должно связываться не только с решением национально-культурных проблем общества, но и, прежде всего, с осознанием человеком музыкально-творческих основ жизнедеятельности.

3. Основополагающим постулатом модернизации музыкального образования должен стать системный подход к организации музыкального образования на базе установления национально-культурных содержательных связей между основными компонентами системы.

4. В непрерывном музыкальном образовании реализация ценностей национальной культуры должна осуществляться комплексно, в тесной взаимосвязи общеобразовательных и профессиональных учебных заведений всех уровней, начиная от дошкольного до послевузовского.

5. Функционирование непрерывной системы музыкального образования как национально-культурного феномена обеспечивается общесистемными методологическими принципами: генетического единства музыкального образования с национально-культурной общественной средой; непрерывностью и преемственностью между содержанием и формой, целью и результатом.

Успешная реализация данной системы может осуществляться на основе социально-педагогических условий, организационно-педагогических условий, психолого-педагогических условий, принципов непрерывности, развития, интеграции, дифференциации.

Решающим направлением обновления данной социально-педагогической системы является обеспечение непрерывности, взаимосвязи и преемственности ее звеньев, ступеней, основанных на интеграции национально-культурного содержания и дифференциации музыкальной подготовки в развитии субъекта национальной музыкальной культуры.

Если рассматривать систему непрерывного музыкального образова-

ния как один из главных механизмов национального музыкально-культурного развития личности, то можно обнаружить, что все ее параметры предполагают выявление активного воздействия сознания на объективную реальность, творческой сущности человеческого мышления, его способности быть духовным барометром времени [3, с. 103].

Безусловно, положения, затронутые выше, не исчерпывают всего широкого спектра проблем развития современных систем музыкального образования. Однако они являются свидетельством того, что взгляд в глубину национальной музыкальной культуры общества и личности – это не только тенденция социума XXI века, но и устойчивый детерминант теории и практики современного музыкального образования. Сегодня все более очевидно, что прогресс развития музыкальной культуры состоит в возможности раскрытия личностных способностей через реализацию потребностей и интересов человека в ходе собственной музыкально-творческой деятельности, направленной на развитие и самореализацию. В этом отношении непрерывное музыкальное образование как устойчивая система и как феномен сознательной креативной музыкально-творческой человеческой деятельности способен обеспечить прогрессивное развитие национальной музыкальной культуры.

**Использованная литература:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан» от 8 октября 2019 года // Народное слово. – Т., 2019. – № 209. – 9 октября. – С. 1-2.

2. Джураев Р.Х., Медетова Р.М. Система непрерывного образования в аспекте реализации Государственной программы «Год здорового ребёнка» // Uzluksiz ta'lim. – Т., 2014. – № 6. – С. 95-100.

3. Галущенко И.Г. Современное музыкально-историческое образование во взаимосвязи с социально-гуманитарными науками // Процессы реформирования системы музыкального образования. – Т., 2009. – С. 98-103.

# ПЕДАГОГЛАР МАЛАКАСИНИ УЗЛУКСИЗ МАСОФАДАН ОШИРИШ БОШҚАРУВ МУҲИТИ ВА УНИНГ ТУЗИЛМАСИ

***А.Д.АСКАРОВ,***
*ЎзМУ, "Педагогика" кафедраси,*
*п.ф.ф.д. (PhD), доцент*

*Мақолада масофадан ўқитишнинг дастурий таъминот тизимлари классификациялашуви ва имкониятлари ёритилган, мазкур дастурий тизимларда педагог кадрлар малакасини масофадан ошириш самарадорлиги йўналишларининг элементларини ўзаро боғлаш, узвийлаштириш кўзда тутилмаганлиги, масофадан малака ошириш тизимининг самарадорлиги қуйидаги самарадорлик йўналишлари билан бевосита боғлиқлиги таъкидланган: таълим эҳтиёжлари билан ишлаш, ўқув жараёнини ташкил қилиш, курсдан кейинги фаолиятни қўллаб-қувватлаш, мониторинги жараёнлари.*
***Таянч сўз ва иборалар:*** *масофадан ўқитиш, интеграция, портал, малака ошириш, ўқув жараёни, мониторинг, ахборот.*

*В статье раскрыты классифицирование и возможности действующих систем программного обеспечения дистанционного обучения, констатировано, в этих программных системах не предусматривается взаимосвязи и последовательности элементов направлениях эффективности дистанционного повышения квалификации педагогических кадров, эффективность системы дистанционного повышения квалификации педагогических кадров непосредственно связано с направлениями эффектностями: работой образовательными потребностями, организацией учебного процессах, педагогическими поддержками после курсовой деятельности и процессами мониторинга.*
***Ключевые слова:*** *дистанционное обучение, интеграция, портал, повышение квалификации, учебный процесс, мониторинг, информация.*

*This article about the classification and capabilities of existing software systems of distance learning. In this program systems there is not any connection and consistency elements effective components. Effective ways of distance development qualification connected directly with the demands on educations, organizing learning process, pedagogical support after course activity and monitoring process.*
***Key words:*** *distant learning, integration, portal, professional development, educational process, monitoring, information, variability.*

Масофадан ўқитишнинг оммалашуви алоқа тизимлари ва компьютер техникасининг интеграциялашуви, Интернет тизими имкониятларининг ортиши натижасида янги босқичга кўтарилди. Ўқитишнинг бундай шаклида асосий ўқув жараёни муассасаларнинг масофадан ўқитиш портали орқали амалга оширилади.

Портал (ингл. portal – дарвоза) бу – Интернет фойдаланувчисига турли интерактив хизматларни (почта, излаш, янгиликлар, форумлар ва ҳ.к.) кўрсатувчи веб-сайт[1], фойдаланувчига ахборотларни оддий навигация ва кенг кўламли қулай интерфейс орқали етказиш учун турли ахборот ресурсларини бирлаштирувчи телекоммуникация тармоғи тугуни ҳисобланади[2]. Қатор олимларнинг тадқиқотларида ахборот-таълим порталининг илмий-методик асослари, унга қўйиладиган талаблар, масофадан ўқитишнинг ахборот-таълим муҳити архитектураси хусусиятлари, масофадан ўқитиш қобиғини тузишнинг типлари ёритилган[3,4].

Охирги 10-15 йил давомида ахборотлаштириш соҳасидаги шиддатли ривожланиш техник ва дастурий таъминотнинг такомиллашишига ўз таъсирини ўтказди. Натижада масофадан ўқитиш воситаларининг классифакациялашуви рўй берди, жумладан, турли муаллифлик дастурий маҳсулотлари (Authoring Packages), мазмунни бошқариш тизимлари (Content Management Systems - CMS), ўқитишни бошқариш тизимлари (Learning Management Systems - LMS) ва ўқув мазмунини бошқариш тизимлари (Learning Content Management Systems - LCMS) яратилди.

Муаллифлик дастурий маҳсулотлари ҳамда CMSлар FrontPage, Dream Weaver, Macromedia Flash каби дастурлар ёрдамида яратилиб, уларда кўп сонли таълим олувчиларнинг ўқиш ва ўзлаштиришларини назорат қилиш ва реал вақт давомида мулоқот ташкил қилишнинг чекланганлиги, ахборотларнинг қайта ишлаш кўзда тутилмаганлиги, асосан кичик машғулотларни ташкил қилиш, таълим ахборот-таълим порталларини яратиш ва уларга материалларни жойлаштиришгагина мўлжалланганлиги сабабли масофадан ўқитиш тизими талабларига тўла жавоб бермаслиги кўзга ташланди. Зарур талабларга мослаштириш эса катта куч ва маблағ талаб этганлиги сабабли бундай тизимлар дастлабки даврга нисбатан ўз аҳамиятини йўғотиб борди.

Замонавий масофадан ўқитиш жараёни LMS ларнинг техник ва технологик имкониятларига асосланади. ҲозирдаMOODLE (http://moodle.org/), Claroline (http://www.claroline.net/), OLAT (http://www.olat.org), Dokeos (http://www.dokeos.com/), ATutor (http://www.atutor.ca/) кабиLMSларданкенгфойдаланишкузатилади.

Ушбу тизимлар масофадан ўқитиш жараёнида ўқув контентини тингловчига белгиланган вақтда тақдим этиш, ўқув ресурсларидан фой-

даланишни назорат қилиш, тингловчиларни гуруҳлаштириш, тьютор билан алоқани ташкил қилиш, ҳисобот олиш ва бошқа ташкилий компонентларга тегишли бўлган функцияларни бажариш имконини беради. Мазкур функциялар масофадан ўқитиш порталида фойдаланувчиларга ҳуқуқ (роль) бериш орқали тақсимланади. Фойдаланувчиларга берилган ҳуқуқ бўйича уларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

администратор – бошқа фойдаланувчиларга ҳуқуқ бериш ёки чеклаш, тизимдаги барча ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятига эга;

– тингловчи – ўзининг виртуал кабинети орқали ўзига ажратилган ресурслар ҳамда элементлардан фойдаланиш, ўз натижаларини кўриш каби минимал ҳуқуққа эга;

– тьютор – ўзига берилган ҳуқуқ доирасида курс элементларини қўшиши ёки ўзгартириши, тингловчилар фаолиятининг умумий натижалари билан танишиши, баҳолаши назарда тутилади, шунингдек, ўқув жадвали асосида курс материаллари билан танишиш имкониятини чеклаш ёки қайта назорат синовларига рухсат бериш каби ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин;

– тармоқ ташкилотчиси – ўзига берилган ҳуқуқ доирасида курс элементларини қўшиши ёки ўзгартириши, курсга тингловчиларни қўшиш, гуруҳлаштириш, фойдаланувчилар фаолияти билан танишиш, бошқа фойдаланувчилар билан алоқани ташкил қилиш каби ҳуқуқларга эга;

– курс яратувчиси – курс яратиш ёки ўзгартириш, ундан фойдаланишни ўргатиш каби ҳуқуқларга эга;

– кузатувчи (буюртмачи вакиллари) – чекланган режимда айрим фойдаланувчилар фаолияти билан танишиш, айрим ресурслар билан танишиш ҳуқуқига эга;

– меҳмон – чекланган режимда айрим ресурслар билан танишиш имконига эга.

Олимлар ва амалиётчилар томонидан LMSF LCMSларга талаблар қўйилиши кузатилади. Жумладан, Н.Муслимов бундай тизимлар фойдаланувчига кундалик масалаларини ҳал қилишда зарур бўлган ахборотларни топиш ҳамда уни керакли масофага узатиш имконини беришини, билимларни бошқариш, фойдаланувчига ахборотларни топишда ёрдам кўрсатишнинг мунтазам жараёни сифатида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди[5].

У.Бегимқулов томонидан педагогик таълим порталларини яратишнинг концептуал: мақсадга йўналтирилганлик, интеграция, тўлақонлилик, яхлитлик, очиқлик тамойиллари таҳлил этилган ва ахборот-таълим портали қуйидаги учта муҳим босқичнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаши келтирилган[2]:

– мазмун босқичи – бу босқичда порталнинг ахборот-таълим ресурсларини шакллантириш ва унинг ахборот таъминоти мазмуни яратилади;

– ташкилий босқич – бу босқичда портал яратишнинг техник жиҳатлари билан бир қаторда, фойдаланувчиларнинг тоифаларини аниқлаштириш, мавжуд ресурсларни тизимлаштириш ва янгилаб бориш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим муассасаларидаги мавжуд ресурсларни интеграциялаш, масофавий таълимни ташкил этиш, ахборот-таълим ресурсларига бўлган талабни аниқлаш мақсадида портал фойдаланувчилари бўйича статистик маълумотларни йи?иш ва таҳлил этиш амалга оширилади;

– методик таъминот босқичи – бу босқичда портал технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш, маслаҳат хизматларини бажариш йўлга қўйилади.

Масофадан малака ошириш тизимининг самарадорлиги таълим эҳтиёжлари билан ишлаш, ўқув жараёнини ташкил қилиш, курсдан кейинги фаолиятни қўллаб-қувватлаш, тизим мониторинги жараёнларига бевосита боғлиқ бўлиб, мавжуд LMSFLCMSларда ушбу компонентларнинг элементларини (функцияларини) ўзаро боғлаш, узвийлаштириш кўзда тутилмаган .

Бу ерда узвийлик тушунчаси ташкилий-педагогик босқичлардаги маълум компонент (таълим эҳтиёжлари билан ишлаш ёки ўқув жараёнини ташкил қилиш ёки курсдан кейинги фаолиятни қўллаб-қувватлаш ёки мониторинг) элементларида ҳосил бўладиган ахборотни мазкур жараёндаги бошқа элементга ёки бошқа компонент элементларига узатилиши билан изоҳланади. Ахборотнинг бундай узатилиши унинг кейинги элемент учун фойдали маълумотга айланишига сабаб бўлади. Элементларда ҳосил бўлган ахборотларнинг ўзаро боғлиқлиги бутун тизимда ахборотлар ҳаракати содир бўлишидан далолат беради.

Масофадан малака ошириш тизими бошқарув муҳитининг самарадорлиги ундаги тизимости тизимлар мукаммаллигига боғлиқ. Шун-

дай қилиб, масофадан малака ошириш тизимининг самарадорлиги кўзда тутилган талабларга жавоб берувчи бошқарув муҳитига боғлиқ. Ушбу жараёнда очиқ кодли LMS лар функцияларига тизимости дастурларни интеграциялаш орқали бошқарув жараёнларининг имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланган адабиётлар:**


1. Ахборот-коммуникация технологиялари: Изоҳли луғат / тузувчилар Амиров Д.М. ва бошқалар. – Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010. Б. 90.
2. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2007. Б 69.
3. Амбросенко Р.Н. Модельно-алгоритмическое обеспечение процессов обработки информации в образовательных средах дистанционного обучения. Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Красноярск: 2007.
4. Полат Е.С., Бухаркина М.Ю., Моисеева М.В. Теория и практика дистанционного обучения: Учеб.пособие для студ. высш.пед.учеб.заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2004.
5. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2007.

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИДА АХБОРОТ ХИЗМАТИ ТИЗИМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

**Ф.А.АБДУЛЛАЕВ,**
*ЎзПФИТИ таянч докторанти*

*Мақолада олий таълим муассасаларида ахборот хизматини моделлаштириш долзарб ижтимоий-педагогик муаммо сифатида эътироф этилади ва таълим жараёнининг сифатини оширишда ахборот хизматини моделлаштириш XX1 асрда таҳсил олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ахборот-коммуникация воситалари асосида ривожлантириш баробарида қаралиши таъкидланади.*

***Таянч иборалар:*** *таълим, ахборот асри, ахборот хизмати, моделлаштириш, таҳсил олувчи шахси.*

*В статье подчеркивается роль моделирования информационных услуг в высших учебных заведениях как важная социально-педагогическая задача. В ней утверждается, что моделирование информационных услуг усиливается в XX1-веке, а также повышается эффективность образовательного процесса, развивается учебная деятельность студентов с помощью использования информационно-коммуникационных моделей образования.*

***Ключевые слова**: образование, информационный век, информационные образовательные услуги, моделирование, личность студента.*

***Abstract:** The article emphasizes the role of modeling information services in higher education as an important socio-pedagogical task. It states that the modeling of information services is being strengthened in the 21st century, as well as the efficiency of the educational process is being improved, the educational activities of students are being developed through the use of information and communication education models.*

***Key words:** education, information age, information educational services, modeling, student personality.*

Узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнининг сифат бошқарувини ахборот хизмати орқали моделлаштириш бўйича кенг кўламдаги илмий изланишлар замирида таълим тизимининг сифат даражасини ошириш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш етакчилик қилмоқда. Мазкур изланишлар Австралиянинг педагогик илмий изланишлар Консорциуми (AGER), АҚШнинг педагогик тадқиқотлар тестларини ўтказиш Хизмати (ETS), Япониянинг Таълим соҳасидаги Миллий тадқиқотлар

институти (NER) томонидан амалга оширилиб, халқаро таълим хизмат бозорида давлат, корпоратив ва хусусий таълим муассасаларидаги ахборот хизматини ривожлантиришга алоҳида қизиқиш ортмоқда.

Педагогика олий таълим муассасаларининг таълим сифати менежментида ахборотли хизматни моделлаштиришда ахборот муҳитининг ўқув фанлари бўйича ўқув мақсадларини шакллантиришга кўрсатаётган таъсири ўрганилди. Агар анъанавий таълим муҳитида дарслик ягона маълумот манбаи, педагог эса билим эгаллаш жараёнини назорат қилувчи субъект сифатида қаралган бўлса, янги ахборот-коммуникацион таълим парадигмасида педагог таҳсил олувчиларнинг мустақил билим олишларини ташкил этувчи, компетентли консультант ролини бажариш имконини берди. Тизимни танлаш бўйича унинг хусусиятлари ҳар хил бўлишига боғлиқ бўлиб, платформаларда муаммолар осонгина ҳал этилди.

Педагогика олий таълим муассасаларида ахборотли хизматни моделлаштириш учун қуйидаги таълимий шакллардан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ:

1. Намойиш модели;
2. Дастурлаштирилган машғулот;
3. Малуъмот модели;
4. Тадқиқот модели.
5. Симуляцион машғулот;
6. Билимларни тизимлаштириш модели.

Олий таълим муассасаларида ўқув курсларини ўқитиш сифатини оширищдаги ахборот хизмати имкониятлари қуйидагиларга қаратилади:

1. Ушбу хизмат ўқув маълумотларининг визуализациялаш жараёнига самарали таъсир кўрсатади. Чизмалар, графиклар, анимация, гиперматн, мультимедиа, моделлаштириш элементлари, товуш орқали таҳсил олувчиларнинг виртуал билим эгаллашлари имкониятларини кенгайтиради.

2. Ахборот хизматидан фойдаланувчи педагогик жараён иштирокчиларида диққат, идрок, тасаввур, мантиқий мушоҳада қилиш кўникмалари ривожланади, креатив фикрлаш қобилиятлари, ҳиссий-эмоционал туйғулари шакллантирилади.

3. Ахборот хизмати асосида педагогик жараён иштирокчилари ўрганилаётган воқеа, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш, тажриба-тадқиқот ишларини ўтказиш имкониятига эга бўладилар.

4. Ахборот хизмати асосида педагогик жараён иштирокчилари (ўқув-билув, касбий, ижтимоий, сиёсий) фаолиятини таҳлил қилиш имконияти кенгаяди.

Педагогика олий таълим муассасаларининг таълим сифати менежментида ахборотли хизматни моделлаштириш орқали қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

1. Ўқув материалларини жойлаштириш. Тизимни танлаш, унинг хусусиятларидан келиб чикиб платформаларда таълимий муаммоларни осонгина ҳал этиш. Электрон таълим воситаси сифатида тизимга ўқув курслари, тестлар ва анкеталар, видео маърузалар ва вебинарларни юклаш мумкин, уларни кўриш ва ўрганишга имкон яратилди. Талабалар бундай материалларни кетма-кет ўрганиб, ўқув материаллари SCORM и Tin Can форматларида юклаб олишга муваффақ бўлдилар.

2.Ўқиш натижаларини баҳолаш. Ахборот хизматини ташкил қилиш орқали ўқитувчилар нафақат дарс бериш, балки талабаларнинг ютуқларини кузатиб боришга имконият яратилди. Батафсил статистика курсларнинг қайси бўлимлари энг қийин бўлганлигини, талабалар материалларни ўрганишга қанча вақт сарфлаганликларини ва тизимга қанчалик тез киришларини кўрсатиб берди.

3. Ўқув материалларини фойдаланувчилар билан боғлаш ва муҳокама қилиш. Ахборот хизмати контекстида тажриба гуруҳида қатнашган талабалар, профессор ўқитувчилар, ходимлар бир-бири билан алоқа ўрнатиб, тажриба алмашдилар ва ўқитувчи билан маслаҳатлашишга муяссар бўлдилар. Шу билан бирга, фойдаланувчилар ўқув материалларига изоҳ беришлари ва курснинг қайси бўлимлари қизиқарли ёки жуда мураккаб бўлиб кўриниши ҳақида хабар беришига имконият яратилди. Ушбу фикр-мулоҳаза асосида ўқитувчи ёки курс яратувчиси таркибни янгилашга ва ўқув материалларининг тузилишини яхшилашга ҳаракат қилди.

Тажриба-тадқиқотда қатнашган респондентларнинг администраторли вазифалардан осон фойдаланишлари учун тизимни созлашда контентнинг қулайлигидан фойдаланувчиларга кенг имконият яратилди.

Педагогика олий таълим муассасаларининг таълим сифати менежментида ахборотли хизматни моделлаштириш тажриба гуруҳларида асосан қуйидаги имкониятларни яратди:

1. Кастомизациянинг қулайлиги. Корпоратив талабларга дидактик таьминотнинг бошқарувчанлигини улашга мослаштириш;

2. Интеграциялаш имконияти. Корпоратив ахборот-коммуникацион тизимга киришиш;

3. Кенгайтириш имкониятлари. HR-жараёнлар учун таълимий таъминотларнинг тайёр мажмуавий жойлашувига ёрдам берувчи ахборотли модулларнинг мавжудлиги;

4. Контентни сақлаш. Бошқа тизимларда ишлаб чикилган тайёр SCORM-курслар, видео, презентация, ҳужжатлар, мультимедиа иловаларни юклаш имкониятининг мавжудлиги;

5. Контентни таҳрирлаш. Ўкув материалларини яратиш ва таҳрирлаш, уларни ўқув курслари мазмунига сингдириш, тизимни созлаш имкониятининг мавжудлиги;

6. Тестларни ишлаб чиқиш ва уларни ўтказиш. Турли кўринишдаги тестларни яратиш, Online ва Ofline тарзида уларни ўтказиш ва автоматик ҳолатда уларнинг натижасини олиш имкониятининг мавжудлиги;

7. Ўкув курсларини тижоратлаштириш. Алоҳида ўқув материаллари ёки ўқув курсларини эгаллаш учун пуллик хизматни ташкил қилиш имконияти. Шунингдек, тажриба гуруҳи талабалари мобил таьлим орқали ўқув контентини компьютерли воситалардан ташқари мобил алоқа воситасида эгаллаш имкониятига эга бўлдилар.

Педагогика олий таълим муассасаларининг таълим сифати менежментида ахборотли хизматни моделлаштиришда назорат ва тажриба гуруҳи респондентлари ўз профилини таҳрирлашлари бўйича эгаллаган кўникмалари ўрганилди. Тажриба ва назорат гуруҳлари респондентлари ўзининг профилини ўзгартириш, таълим натижаларини таҳлил қилиш, сертификат ва бошқа ўзи ҳақидаги маълумотларни сақлаш компетенциялари таҳлил қилинганда, тажриба гуруҳи респондентларининг бу борадаги компетентлиги юқори даражада эканлиги аниқланди. Шунингдек, ахборот хизматида вебинарларни ёзиб олиш ва улардан фойдаланиш, чатларни яратиш ва улардан фойдаланиш, форумларда қатнашиш ва улар фаолиятини талил қилиш, ўзининг микроблоглари-

ни яратиш ва улардан фойдаланиш, янгиликлар тасмасидан фойдаланиш каби кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси ўрганилди.

Синалувчиларнинг 21 нафари синовларни яратиш ва ўтказиш бўйича турли хил тест саволларини тузиш, онлайн тестларни ўтказиш ва автоматик равишда натижаларни олиш, таълим таркибини нафақат компютерлардан, балки мобил қурилмалардан ҳам кўриш, ўз-ўзини рамкалар базаси билан синхронизация таъминланишига эришиш малакаларини кўрсата олдилар.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О коренном реформировании системы образования и подготовки кадров, воспитании современного поколения» – Т.: Шарк, 2017. – С. 62-63.

2. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» № УП-5349.-Ташкент, 2018 г., 19 февраля

3. Абдукадиров А.А. Наука, просвещение и культура в системе непрерывного образования: проблемы и решения. Ташкент: Маънавият. 2017. 224 с.

4. Джураев Р.Х. Этапы совершенствования системы образования в Узбекистане. Ташкент: Зиё. 186 с.

5. Гришина Е.А. Процесс формирования коммуникативных умений специалиста-менеджера.: Автореф. дис. канд. пед. наук. – Волгоград, 2017. – 21 с.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ “АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН РЕСУРСИ ҲАҚИДА

***Г. Н.ЮНУСОВА,***
*НамДУ, “Амалий математика” кафедраси доценти, п.ф.н.*
***А. ТУЙЧИЕВ,***
*НВХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси*

*Бу мақолада ахборот технологиялари фанини инглиз тилида онлайн тарзда ўқитиш учун қандай тизим кераклиги ёритиб берилган. Тизимнинг ишлаш принципи, уни юклаш ва ишлатиш жараёни, яъни сайтни яратиш учун бошланғич этаплари очиб берилган. “Ахборот технологиялари” фанини ўргатишга мўлжалланган сайт орқали фойдаланувчилар инглиз тилини ҳам ўрганишлари мумкин.*

***Таянч сўзлар:*** *узлуксиз таълим, масофавий онлайн ресурс, масофавий таълим, Moodle ўқув платформа, курс элементлари.*

*This article shows us which computer system can is using for making on line recourse. There are knowledge of down load, working system and elementary steps of making site. Users learn Information technologies from site, which made for learning English too.*

***Key words:*** *continuous teaching, distant on-line recourse, distant learning, Moodle teaching platform, elements of course.*

*Эта статья даёт сведения об использовании какой системы необходимо при создании сайта по обучению предмета «Информационные технологии» на английском языке. Необходимо уметь загружать систему, знать принципы работы, поэтапно создавать сайт. Сайт, предназначенный для обучения предмета «Информационных Технологий» на английском языке предназначен для обучения и английского.*

***Ключевые слова:*** *непрерывное образование, дистанционный онлайн ресурс, дистанционное обучение, учебная платформа Moodle, элементы курса.*

Ҳозирги кунда ахборот технологиялари, интернет, web дастурлаштириш, бир тилдан иккинчи тилга ўгириш технологиялари, инструментал дастурлар, тилни ўргатишга мўлжалланган сайтлар ҳамда он-лайн таълим ресурслари ўзининг ривожланиш истиқболига эришган вақтда, инглиз тилини ўқитиш эҳтиёжи ўсаётганлигини эътиборга олиб, номутахассисларни инглиз тилини ўқитиш даражасини ошириш ва олий ўқув

юртларида факультетлар аро инглиз тилини, малака ошириш институтларида номутахассисларга инглиз тилини ўқитиш самарасини ошириш йўлларини ва услубларини қидириш долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Инглиз тили мутахассларига эса олий ўқув юртларида "Ахборот технологиялари" фанини он-лайн тарзда инглиз тилида ўқитиш, ахборот технологиялари муҳитида тилни яхшироқ ўрганиш шарт-шароитларини таъминлайди. Бу жараённи қандай қилиб амалга ошириш эса, қуйилган муаммони иккинчи масаласи бўлиб хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди.

Бизнинг гипотезамиз қуйидагича: инглиз тилини билиш ва ўрганиш жараёнини юқорироқ поғонага кўтариш учун қуйидаги вазифаларни бажарилиши мақсадга эришига ёрдам беради:

1.Мутахассиларга(яъни инглиз тили бўйича бўлажак кадрларга) "Ахборот технологиялари" фанини он-лайн тарзда ўргатишни ташкил қилиш, бунинг учун фан дастурини ўрганиб, унга оид маъруза, амалий машғулотларни, глоссарий, адабиётларни инглиз тилида материалларини тайёрлаш. Ўқув материалларга доир тестларни ишлаб чиқиш:

2. Малака ошириш институтларида номутахассиларга инглиз тилини ўқитиш бўйича ўқув услубий мажмуани ишлаб чиқиш ва уни тайёрлаш.

3. Олий ўқув юртларида номутахассиларга факультетлар аро инглиз тилини ўқитишни он-лайн тарзда амалга ошириш учун ўқув услубий мажмуани яратиш.

4. Факультетларо аро инглиз тилини, малака ошириш институларида номутахассис тингловчиларни инглиз тилини ўргатувчи ўқув услубий мажмуани яратиш ва уни тизимга қуйиш учун аввал компьютер тизимларини ўрганиш, улардан биттасини танлаш, унда керакли иловани мобил телефонларда ҳамда компьютерда ишлаш имкониятли қилиб яратиш.

5. Moodle ўқув платформаси ҳақида тушунча бериш, унинг ўрнатилиши, имкониятлари, ишлаш принципи ҳамда каталогининг таркиби, файлларнинг вазифаси ҳақида тушунча бериш ҳисобланади.

Юқоридаги 4 та вазифани бажариш учун керакли маълумотларни тўпладик, материалларни ишлаб чиқдик. Масофавий ўқитишни таъминлаш мақсадида LMS тизимларинин ўргандик. LMS – Learning

Managment System. Масофавий таълимни бошқариш тизими. Уни аввал компьютерга йи-мани интернетдан топиб, танлаб, юклаймиз ва ишга туширамиз. Moodle ўқув платформасига кириб, регистрациядан ўтдик ҳамда курс яратиш учун “Добавить” соҳасини босамиз, контентни қўшамиз. Унинг ичига курсларни киритишимиз мумкин. Унинг номи: English language. Бу контент ичига English language, Listening, Writing, Reading ва бошқа курсларни яратамиз. Ҳар бир курсга маъруза, амалий машғулот ёки практикум, глоссарий, адабиётлар қуйилиши керак.

Инглиз тилини факультетлараро олий ўқув юртида яхши ўқитиш учун, аввал намунавий дастурлардаги соҳа мутахассисликлари учун ажратилган маъруза, амалий машғулот мавзуларини синчиклаб ўрганиш керак бўлади. Албатта тил ўрганиш жараёнини бўлажак кадрнинг спецификасига, унинг фанига боғлаб ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ўрганувчилар математиклар ёки амалий математика йўналиши талабалари бўлса, тилни ўргатиш спецификаси, маърузалари, мавзулари ҳам математика, информатика билан боғлиқ мавзулар бўлиши керакдир. Масалан, “Information technologies” фани бўладиган бўлса, бу фаннинг намунавий дастурини ўрганиш зарур. Намунавий дастурда 10 та назарий модулларни ўрганишга оид мавзулар ажратилган бўлса, амалий машғулотлар учун эса 17 та мавзу ажратилгандир. Назарий машғулот мавзуларини инглиз тилида тайёрлаб, уларнинг ҳар бирига тест ўрнатиш керак. Ундан сўнг амалий машғулотларни ўрнатилади ва уларга ҳам тестларни тайёрланади. Яратилган материални Moodle ўқув платформасига (таълимни масофавий ўргатувчи бошқариш тизимига) ёки Word Press (таълимни контент орқали бошқарувчи) тизимга қуйишимиз мақсадга мувофиқдир.

Масофавий интернет-таълимнинг ғояси қуйидагича: ўқитувчилар ва талабалар битта виртуал фазода ахборот алмашадилар, бунда физик жиҳатдан ўзларининг компьютерлари олдида бир биридан узоқлашган жойларда бўлишади. Таълим жараёнида аъзолар ўртасида тескари боғланиш ўрнатилади (кўп ҳолларда интерактив). Масофавий интернет-таълим технологияларини қўллашда жуда кўп интерактив имкониятлар пайдо бўлади: Web-браузер орқали ўқув материалларни виртуал аудиториядан юклаш, аудио-алоқа орқали ва электрон почта орқали, чатда ўқитувчилар ва бошқа ўқитилувчилар билан мулоқот қилиш, ви-

деоконференцияларда қатнашиш, аватарни танлаб, симуляторлар билан интерактив лабораторияларда ишлаш, Масофавий ўқитиш тизими (МЎТ) –ўқитишнинг масофавий шакли учун, электрон ўқитувчи материалларни яратиш учун, администрация ва ўрганилаётган фаннинг доирасида ўзлаштиришни баҳоланиши, маслаҳатларни ташкил қилиш ва уюштириш учун, бу дастурий таъминот, ўқув жараёнини қўллашнинг қўшимча тизими сифатида қўлланилади[1,2-4].

Ҳохловчилар Moodle ўқув муҳитига ўзларининг ишланмаларини, қўшимчаларини ва янгиликларини киритишлари мумкин (плагинларни) ва Moodle ни қўллаш бўйича формулар ва ҳамжамиятлар тизими орқали ахборот алмашиш имконияти мавжуд. Бу тизимда Вебинар ташкил қилиш мумкин. [2-4]. Вебинар (webinar ) – он-лайн тренингнинг бир кўриниши, он-лайн тренинг ёки семинар десак, муболаға бўлмайди, он-лайн тренингнинг бир тури, унда олиб борувчи ва аудитория матнли, аудио ва видео-чатларда ўзаро мулоқотда бўлишади. Сўзлашиш мавзулари слайдлар ва электрон доскадаги ёзувлар орқали тасвирланади. [3,4]. Вебинарлар талаб бўйича архивлаштирилади ва талаб бўйича рухсат этилади, бу эса уларнинг хусусан таълимда қўлланиладиган умумий ва хусусан масофавий таълимда қўлланиладиган таълим воситаси сифатидаги ютуғи қисобланади. Moodleни олий ўқув юртларида, жумладан, университетларда "Хорижий тил ва адбиёти", "Филология ва тилларни ўқитиш" йўналишлари учун инглиз тилида "Ахборот технологиялари" фанини ва факультетлар аро инглиз тилини ўргатиш учун "English language» курсларини масофавий уй шароитида мобил илова орқали ёки интернет орқали компьютерда масофавий ўқитувчи курсларини яратиб, улар мисолида инглиз тилини ўрганиш сифатини оширишга ҳаракат қилдик [2]. LMS Moodleда «English language» ўқув курсини проектлаштириш даврида элементларнинг қуйидаги тўпламидан фойдланиш мумкин: «Тушунтириш», «Глоссарий», «Топшириқ», «Тест», «Форум», «Ресурс», «Гуруҳли лойиҳа» [3-5].

Ўқув-методик курсни таркибини ишлаб чиқилгандан сўнг, бутун курс бўйича баҳолашнинг услубиёти аниқланади, у эса ўз навбатида йиғиндида натижавий баҳони беради [4,5]. Талаба курсни мустақил ўрганишнинг тавсифидан бошлайди. Кейин талаба, фанни ўрганишнинг календар планига таяниб, биринчи бўлимни ўрганишга ўтади. Маъру-

за асосида назарий материални ўрганиш билан параллел равишда глоссарий ёрдамида, янги тушунчалар билан таништиради, булар эса берилган материални ўрганишда керак бўлади. Бундан сўнг ўқитилувчи амалий машғулотларда режалаштирилган топшириқларни бажариши керак бўлади. Ихтиёрий мавзуни ўрганганда талаба ўқитилувчи тестлар орқали мустақил билимларини текшириш имкониятига эгадирлар[5].

Инглиз тилида "Ахборот технологиялари" фанига оид сайтни яратилишини тавсия этар эканмиз. Бу жараённи рус тилини, француз, немис тилларини ўргатишга ҳам қўллаш тавсия қилинади.

Шундай қилиб, юқорида ўрганилган тизимда сайт яратиб, инглиз тили мутахассислари бўладиган талабаларга "Ахборот технологиялари" курсини инглиз тилида ўқитишни, малака ошириш институларида номутахассис йўналишларига "Ахборот технологиялари" фанини масофавий контент сифатида иккита модулни "Таълимда замонавий ахборот технологиялари", "Таълимда замонавий педагогик дастурий воситалар" мавзуларида инглиз тилида ўқитишни ташкил қилиш ва уни ташкиллаштиришни амалга оширишга ҳаракат қилмоқдамиз, бу эса инглиз тилини оммавий ўрганишга, уни билиш савиясини кўтаришга ўз ҳиссасини қўшади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Moodle 3., Alex Buchner. Moodle 3 Administration. – Third Edition. – Packt Publishing, 2016. – 492 с. – ISBN 978-1783289714.

2. Moodle 2.5.,Joao Pedro Soares Fernandes. Moodle 2.5 Multimedia.– Packt Publishing, 2013. – 270 с. – ISBN 978-1783281473.

3. Silvina P. Hillar. Moodle 2.5 Multimedia Cookbook. – 2-nd. ed.. – Packt Publishing, 2013. – 300 с. – ISBN 978-1783289370.

4. Moodle 2.,Alex Buchner. Moodle 2 Administration. – Second Edition. – Packt Publishing, 2011. – 420 с. – ISBN 978-1849516044.

5. Nicholas Freear. Moodle 2 for Teaching 4-9 Year Olds Beginner's Guide. – Packt Publishing, 2011. – 322 с. – ISBN 978-1849513289.

6.Mary Cooch. Moodle 2.0 First Look. – Packt Publishing, 2010. – 272 с. – ISBN 978-1849511940.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУТАХАССИСЛИГИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АКТ БЎЙИЧА КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**О.А.КАРИМЖАНОВ,**
ТДПУ ўқитувчиси

*Мақолада узлуксиз талимда фаолият юритаётган чақириққача ҳарбий тайёргарлик (ЧХТ) ўқитувчиларининг малакасини оширищда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш масалалари ўз ифодасини топган бўлиб, муаллифлик нуқтаи назаридан ушбу вазифаларни амалга ошириш йўналишлари акс эттирилган.*

***Таянч тушунчалар:*** *ватанпарварлик, шахс, талим, фаолият, чақириққача харбий тайёргарлик, ўқитувчи, малака ошириш, ахборот-коммуникация технологиялари, компетентлик, ривожлантириш.*

*В статье изложены вопросы повышения компетентности по информационно-коммуникационным технологиям учителей по допризывной военной подготовке (ДВП) в системе непрерывного образования, и с точки зрения автора, указаны пути повышения квалификации специалистов в этом направлении.*

***Ключевые слова:*** *патриотизм, личность, воспитание, деятельность, допризывная военная подготовка, педагог, повышение квалификации, компетентность, информационно-коммуникационные технологии, развитие.*

*The article outlines the issues of improving the competence of information and communication technologies of teachers on pre-draft military training in the system of continuing education, and from the point of view of the author, the ways of raising the skills of specialists in this direction are indicated.*

***Key words:*** *patriotism, personality, education, activity, pre-conscription military training, teacher, advanced training, competence, information and communication technologies, development.*

Жаҳонда ва мамлакатимизда таълим тизимини янги моҳиятда ташкил этиш, самарадорлигини ошириш ва усулларини такомиллаштириш орқали ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бу эса, узлуксиз таълимда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг замонавий таълим-тарбия сирларидан воқиф бўлишлари, ахборот-коммуникация технологияларни эгаллашлари, уларнинг воситаларидан оқилона фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишлари талаб этилади. Айниқса,

чақириққача ҳарбий тайёргарлик (ЧХТ) ўқитувчиларининг дидактик ва тарбиявий аҳамиятга молик муаммоларни оқилона ҳал эта олиши, глобаллашув даврида турли ахборот хуружларидан ёшларни ҳимоя қила олишида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда уларнинг касбий, умуммаданий, махсус компетенцияларга эга бўлиш баробарида ахборот-коммуникация технологияларни эгаллаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўқитувчиларга ахборот-коммуникация воситаларидан оқилона фойдаланиш, таълим мазмунини илмий асосда ўргатиш, унинг ташкилий ва технологик асосларини лойиҳалаш, келажакда ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февральдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [4] ПФ-4947-сонли Фармонида белгиланган вазифалар асосида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва амалий натижаларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, ЧХТ ўқитувчиларининг ҳар бири-дан ижодкорлик ғояларига асосланган касбий салоҳият ва инсоний сифатларга эга бўлиш, улар тарбиялаётган ёшларда ватанпарварлик, интеллектуал сифатлар билан бирга юксак маънавий маданиятни шакллантириш технологияларини такомиллаштириш муаммоларининг ечимини топиш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди. Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган таҳлиллардан ЧХТ ўқитувчиларининг малакасини оширишда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш механизмларини педагогик жараёнда қўллаш талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

ЧХТ ўқитувчиларининг компетенцияси шахс сифатида махсус фаолиятини баҳоловчи, ушбу фаолият натижасида шахс ижтимоий ва технологиялаштирилган қобилиятларни ўзида намоён этиши, меҳнатни тўғри тақсимлай олиш лаёқатини мўжассамлаштира олиши эканлигини таъкидлаш жоиз.

Тадқиқотчи олима Ш.А. Абдуллаева компетентликни – "...билим ва методларни вазиятга қараб мослаштириш қобилияти сифатида тадқиқ этади ва бу фаолиятда танқидий мушоҳада юритиш, тўғри қарор қабул қила олиш, соҳта далилларни асосли равишда инкор этиш, самарали натижаларни амалиётда қўллай олиш қобилияти" сифатида тавсифлайди [6,18-б.]. Демак, жамиятимиз ёшларини юксак маърифатли, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда ўқитувчининг тарбия муаммоларини компетентли равишда ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммога бағишлаб файласуфлар, педагоглар, психологлар, адабиётшунос ва жамиятшунос мутахассислар тадқиқот ишлари олиб бормокдалар. Бироқ, ҳанузгача, ЧХТ ўқитувчиларининг малакасини оширишда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш муаммоси алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

ЧХТ ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий тузилмалар, глобал интернет тармоғи ҳақидаги билимларга эга бўлиш;

– Интернет тармоғида ишлай олиш кўникмаларини эгаллаш, дидактик маълумотларни саралай олиш, уларни кўчириш, тақдим қила олиш;

– дидактик материал сифатида дарсларда намойиш қилишга мўлжалланган роликлар билан ишлаш, "Edepen Pro", "Poveyer Point" каби дастурлар билан ишлаш, улар воситасида намойиш этиш учун слайдлар тайёрлаш кўникма ва малакаларига эга бўлиш;

– электрон манзилларда ишлаш кўникмаларига эга бўлиш, электрон ёзишмаларни ташкил этиш, смарт технологияларидан хабардор бўлиш ва лозим бўлса, уларни яратиш ва бошқалар. Бу вазифалар уддасидан чиқиб, амалиётда қўллай оладиган ўқитувчи ахборот-технология бўйича компетентли деб ҳисобланиши мумкин.

Шу жиҳатдан ЧХТ ўқитувчиларининг малакасини оширишда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни белгилаш лозим:

1. ЧХТ ўқитувчиларининг малакасини оширишда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари, шакллари, усуллари, методикаларини ишлаб чиқиш;

2. ЧХТ ўқитувчиларининг малакасини оширишда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини аниқлаш;

3. Олий таълим тизимида "Чақириққача ҳарбий таълим" йўналишидаги ўқув дастурлари, ишчи режалари, "Ҳарбий ватанпарварлик асослари" фанини такомиллаштириш боскичларини белгилаш;

4. ЧХТ ўқитувчиларининг малакасини оширишда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш механизмларининг педагогик самарадорлигини асослаш, натижаларни таҳлил қилиш ва шу асосда ЧХТ ўқитувчилари учун махсус тавсиялар ишлаб чиқиш;

5. ЧХТ ўқитувчиларининг малакасини оширишда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган машғулотлар учун такомиллаштирилган аниқ тавсиялар, услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш.

Халқ таълими ходимларининг малака оширишдан кейинги фаолияти самарадорлиги мониторинги механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Бунда ЧХТ ўқитувчиларининг малакасини оширишда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантиришга қаратилган бир неча йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

*Биринчи йўналиш*, ЧХТ ўқитувчилари малакасини оширишни ташкил этилишини режалаштиришга қаратилган фаолиятни илмий асосда ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш. Бунда халқ таълими тизими муассасаларида фаолият кўрсатаётган ЧХТ ўқитувчилари (амалдаги "Малака тавсифлари"га асосланган ҳолда) 3-5 йилда камида бир марта малака оширишлари шартидан келиб чиқиб, малака ошириш курсларига жалб этилади. Малака оширувчи ходимлар контингентини

малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларини дарс соатлари билан таъминлаш нуқтаи назаридан эмас, балки улар фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда таълимни бошқариш ҳудудий органлари томонидан тақдим этилган буюртмалар асосида шакллантириш амалиётининг йўлга қуйилиши самарали натижа берган бўлсада, ЧХТ ўқитувчиларининг малака ошириш даврийлиги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган муддатлар доирасига олиб келиш, уларни ахборот-коммуникация технологияларидан хабардор қилиш зарурати долзарблигича қолмоқда.

*Иккинчи йўналиш* ЧХТ ўқитувчиларининг малакасини оширишда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган Давлат талабларини ишлаб чиқиш ва ягона, яхлит меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида шакллантириш зарурати мавжудлигича қолмоқда.

Бу вазифаларни амалга оширишда кўп жиҳатдан ЧХТ ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболлариига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи// Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қўрамиз. “Ўзбекистон” 2017

4. 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси. 7 январ 2017 йил.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида”ги  140-сон қарори.-Тошкент, 2018 йил, 23 февраль.

6. Абдуллаева Ш.А. ва бошқалар. Замонавий ўқитувчининг компетенцияси-Тошкент: Комрон-Пресс,2015-Б.-18.

# ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДАГИ ФАОЛ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ОИЛАНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТИ

**И.А. ЮЛДАШЕВ,**
ФарДУ ўқитувчиси

*Мақолада қишлоқ мактаби ва оиланинг ҳамкорлиги жараёнида ўсмирларда фаол ижтимоий фаолиятни шакллантириш масалалари, мактаб раҳбариятининг ўқувчиларни ахлоқий йўналишда ижтимоий-фаолиятли таълим-тарбия беришдаги роли ёритилган. Шунингдек, ота-оналарни ўқув-тарбия жараёнига жалб этишда мактаб жамоатчилик кенгашининг роли ўрганилган.*

***Таянч сўзлар:*** *мактаб, оила, педагогик кенгаш, мувофиқлаштириш, режалаштириш, тарбиялаш, ижтимоий фаолият.*

*В статье освещается роль школьного руководства в формировании активной социальной активности у подростков через взаимодействие сельской школы и семьи, а также роль школьного руководства в обучении учащихся этическому поведению. Роль совета школьного сообщества в вовлечении родителей в образовательный процесс также была изучена.*

***Ключевые слова:*** *школа, семья, педагогический совет, координация, планирование, воспитание детей, общественная деятельность.*

*The article highlights the role of school leadership in the formation of active social activity in adolescents through the interaction of a rural school and family, as well as the role of school leadership in teaching students ethical behavior. The role of the school community council in involving parents in the educational process has also been studied.*

***Key words***: *school, family, pedagogical council, coordination, planning, parenting, social activities.*

Ўқувчиларга ахлоқий йўналганлик бўйича ижтимоий-фаолиятли ва эстетик-экологик таълим бериш, уларни онгли табиатни асраш фаолиятига жалб этиш директор, мактаб, ва унинг бошқа секторларининг иш режаларида асосий муаммо сифатида белгиланади.

Ўқувчилар билан кўрсатиб ўтилган ишлар директор муовинлари ва методик кенгаш билан ҳамкорликда, педагогик кенгашда, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар мажлисида муҳокама этилади. Директор кўрсатмалар, методик кенгаш учун йўриқномаларни тавсия этади ва тузади, натижалар тўғрисида даврий маърузалар тайёрланишини назорат қилади.

Директор раҳбарлигида мазкур Кенгаш ўқитувчилар ва ота-оналарни ўқувчиларни ахлоқий йўналган ижтимоий-фаолиятли, эстетик-экологик тарбиялашнинг аҳамияти, зарурати, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигига ишонч ҳосил қилишларини таъминлайди. Кенгаш бун-

дай ўқув ва оилавий тарбиянинг педагогик усулларини таклиф этади; тизимли-мувофиқлаштириш, бир-бирига зид бўлмаган бир турдаги тарбиявий усуллар билан мактаб ва оила ўртасидаги муносабатлар қуради.

Кенгашнинг мазкур фаолиятида қуйидаги принциплар инобатга олинади: инсонпарварлик – эркин ижодий ривожланиш билан олий қадрият сифатида ўсмир шахсини тан олиш; эркинлик – ўқувчилар ва ўқитувчилар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги тенг ҳуқуқли, ўзаро ҳурматнинг устуворлиги; фуқаролик – ўсмирнинг оилада, атроф-муҳитда. Мактабда, жамиятда ўз "Мен"ини англаши; миллий ғоя ва ретроспективлик – болалар тарбиясида халқ педагогикасига, миллиқ қадриятлар, анъаналар ва одатларга мурожаат этиш; умуминсоний, аввало ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги.

Мактаб директорининг диққат марказида: ижтимоий-тарбиявий омилнинг, ўқувчилар билан ўқув жараёнида, синф соатларида, дарсдан ташқари ишларда, мактаб тадбирлари – кечалар, олимпиадалар ва бошқаларда, мактабдан ташқари ишлар ва фаолиятда табиат фойдаси учун ахлоқий йўналган эстетик-экологик мавзулар ўрин эгаллайди. Мактаб директорининг эътибори ўқувчиларнинг тегишли мустақил таълим олишларига йўналтирилади (уларнинг илмий-назарий конференциялар ва педагогик ўқувларда рефератлар, маърузалар, муаммо бўйича нутқлар, тажриба алмашишлари).

Мактаб директори шунингдек ўқувчиларнинг ота-оналари билан самарали иш олиб боради: болаларга, айниқса ўсмирларга ахлоқий ва табиатни асрашга урғу билан ахлоқий-эстетик ва эстетик-экологик таълим бериш ҳамда она табиатнинг гуллаб-яшнаши учун меҳнат фаолияти ғоясини тарғиб этади. Ота-оналарни бундан ишни режалаштириш, унинг шакллари, методлари ва натижалари билан таништириб, уларни маҳалла вакиллари билан бевосита ҳамкорликда бунга кўмаклашиш ва ўзаро ёрдам кўрсатишга чорлайди. Бунда ота-оналар қўмитаси муҳим роль ўйнайди (синф ота-оналар қўмитаси вакилларидан).

Мактабнинг ота-оналар сектори директорнинг раҳбарлиги остида ва оила "жамиятнинг ижтимоий бўғини, никоҳ ёки қондош қариндошликка асосланган, инсонни дунёга келтиришнинг ижтимоий механизми. Ижтимоий институт ва кичик гуруҳ хусусиятларига эга" эканлигини англаган ҳолда ўқувчиларнинг оилаларига алоҳида эътибор қаратади. Бунда социологияда оила қуйидагича талқин этилишини инобатга олади: "а) инсоннинг ижтимоий ҳаёти бошланадиган ва кечадиган ва ижтимоийлашувнинг асосий омилларидан бири ҳисобланган дастлабки ижтимоий гуруҳ; б) жамиятда қабул қилинган принциплар, меъёрлар, қоидалар асосида ҳаётнинг турли томонларини тартибга солувчи ва назорат қилувчи ижтимоий институт; в) барча

аъзолари муайян мавқе ва ролларга эга бўлган ижтимоий тизим".

Оила – ижтимоий ҳамжамият тури, турмуш қуриш ва қариндошлик алоқаларига, бирга истиқомат қилувчи ва умумий уй хўжалигини юритувчи қариндошлар ўртасида муносабатларга асосланган шахсий ҳаётни ташкил этиш шаклидир. Оиланинг ижтимоий роли нимадан иборат? – бу роль унинг инсонни дунёга келтириш, инсон авлодини давом эттириш, жамият ҳаётида иштирок этиш, масалан ишлаб чиқаришда, жамият аъзолари сифатида ўз фарзандларини ижтимоийлаштиришда, уларни тарбиялаш ва ривожлантириш билан белгиланади. Оилада ота-оналар ва бошқа оила аъзолари томонидан исталган натижаларга эришиш мақсадида таъсир этиш жараёнлари содир бўлади. Сўнгги вақтларда оилавий тарбия мактаб ва ижтимоий-жамоатчиликнинг бевосита умумийлигида фаол амалга оширилади. Бола учун оила – борган сари мустаҳкам яшаш, тарбия. Таъсир этиш муҳитига айланиб бормоқда. Оилавий тарбияда мактаб, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий ташкилотлар, адабиёт, санъат, оилавий ва миллий анъаналари ва урф-одатларнинг таъсири акс этади.

Оила бола шахси шаклланишига кучли таъсир кўрсатиши сабабли, бизнинг жамиятимиз ва давлатимизда унга устувор аҳамият берилади. Аммо оилада боланинг ижтимоий фаоллигини тарбиялаш етарлича мақсадга мувофиқ содир бўлмайди, балки ўз-ўзидан, оилавий турмушнинг бир қисми сифатида, унинг оилави чегаралардан ташқарига чиқмаган ҳолда, агар содир бўлса ҳам ижтимоий-фойдали меҳнат омили зарур педагогик эътибордан четда қолади. Бола бўлажак ижтимоий фаол ҳаётга етарлича тайёрланмайди. Оилада бутун ижтимоий-жамоат, тарбиявий тизим, аввало мактаб ва маҳалла тизими қамраб олинади.

Қишлоқ оилаларига тўхталиб ўтиш зарур. Қишлоқ оилалари асосий ижтимоийдир: барқарор, тўлиқ, кўп сонли, меҳнатга оид белгиланган мажбуриятлар билан, бирлашган, тинч. Болалар босқич, меҳнатсевар ва меҳнатга лаёқатли, ота-оналар ва оиланинг катта аъзоларига чуқур ҳурматли, низолашмайдигандирлар. Ота-оналарда болалар тарбиясида педагогик мослик мавжуд. Аммо эстетик, экологик, табиатни асраш ва ижтимоий-фаолиятли тарбия фарқланади, қатор ҳолларда мавжуд бўлмайди. Замонавий ота-оналарга: "Болаларни фаол ижтимоий ҳаётга тайёрланг!" чорлови етиб бормайди. Болалар эса керак бўлганлиги учун шунчаки меҳнат қиладилар. Бунда эса оилаларни айнан мазкур мақсадларда, масалан, қишлоқ мактабларида болаларни тарбиялашнинг уларнинг ижтимоий-фаол тарбиясини оптималлаштирувчи диний, ахлоқий, эстетик, экологик, жисмоний, меҳнат ва бошқа йўналишларини фаол амалга ошириш мумкин.

Қишлоқ оиласида меҳнат тарбияси масалалари қониқарли даражададир. Болаларнинг меҳнат, унинг моҳияти, ҳаётдаги (қишлоқ хўжалигидаги), табиатни асращдаги роли, фойдалилик ва сахийликни орттириш тўғрисидаги тасаввурлари шакллантирилади. Оилани болага ижтимоийтарбиявий таъсир этиш имкони сифатида фойдаланиш; оилани болаларда ижтимоий фаоол сифатларни шакллантиришга йўналтириш; оилани болаларни ижтимоий фаол тарбияга – жамиятга фойдали чиқишга тайёрлаш; мазкур жараёнда миллий, масалан табиий қадриятлардан фойдаланиш; бунда мактаб ва маҳалланинг ёрдамига таяниш зарур.

Бунда мактабнинг директор раҳбарлигидаги қуйидаги ташкилий-педагогик ишлари зарур: умуммактаб ота-оналар мажлислари, ота-оналар бирлашмаларини – ота-оналар қўмиталари, кенгашлари, комиссиялари ва бошқаларни ташкил этиш, уларнинг ўз иш режалари, ўз қоидалари ва мажбуриятлари билан (мактаб ва оила, маҳалла режаси билан умумийликда – уларнинг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда бир турдаги ижтимоий-тарбиявий ва ривожлантирувчи муҳит яратилади); ота-оналар билан ишлашга эътибор қаратиш, уни синф раҳбарлари амалга оширадилар: зарур мавзуга оид мажлислар қачон ва қандай ўтказилади; оила аъзолари, болаларга муносабат, шароитлар, болани эстетик-экологик, ижтимоий тарбиялаш хусусияти ва ташкил этилиши, уй муҳити, оила аъзоларининг мазкур тарбия турларига муносабатларини ўрганиш мақсадида, зарур маслаҳат ва тавсияларни таклиф этиш мақсадида болаларнинг уйларига ташриф буюриш; ҳамкорликдаги тадбирлар, лойиҳалар, маълум ҳамкорликдаги ишлар, жумладан, маҳалла билан ҳамкорликда. Бу ишларнинг барчаси профессионал, мактаб учун обрўли равишда манфаатли ҳамкорлик мақсадида, болаларга меҳр-муҳаббат билан; муаммони оилавий-педагогик ҳал этиш бўйича ота-оналар лекторияларида иштирок этиш заруратига ишонч билан; ота-оналарнинг педагогик хабардор этиш учун лекторийни ташкил этиш, бошқариш, ўтказиш ва назорат қилиш – табиат фойдаси йўлида ижтимоий фаол фаолият сифатида болаларнинг оиладаги ижтимоий ва эстетик-экологик тарбияси бўйича комплекс ўқитиш амалга оширилади.

Маърузалар, суҳбатлар, диалоглар, муҳокама ва мунозаралар ўтказилади; болаларни оилада эстетик-экологик ва ижтимоий фаол тарбиялашнинг мақсади, йўналиши, вазифалари, шакллари, методлари ва воситалари, натижалари кўриб чиқилади. Ота-оналарга турли ижтимоий ва эстетик-экологик тарбиявий методлар, экологик вазиятлар, ижтимоий-фаолиятли шароитлар таклиф этилиб, уларда бола шахсининг белгиланган йўналишдаги шаклланиши содир бўлади.

Ота-оналар ўсмирларни мазкур тарбиялаш жараёнида диний қоида-

лар, халқ педагогикаси, халқ оғзаки ижоди, миллий анъана ва урф-одатлар, ижтимоий меъёрлар ва қоидалардан қандай фойданишни билиб оладилар; оила ижтимоий педагогикасининг асосий ҳолатларини – оила, унинг болани ижтимоий-фаол тарбиясидаги аҳамиятини эслаб қоладилар. Асосийси – болаларни севиш – бунда муваффақият таъминланади. Болаларга муносабат – уларни қандай бўлишларини истаймиз?

Шунинг учун ота-оналар билан «Оилангизда ижтимоий тарбия ишлари қандай?», «Сиз табиатга, унинг эстетикаси ва экологиясига қандай муносабатдасиз?», «Сиз ўз фарзандингиз учун табиатдаги гўзаллик, табиат гўзаллигини асращда намуна ҳисобланасизми?», «Оилангизда фарзандингизнинг эстетик-экологик тарбияси қандай йўлга қўйилган?» каби масалалар бўйича суҳбатлар ўтказилади.

Шу тариқа, қишлоқ мактаби директори ва қишлоқ маҳалласи раиси – қишлоқ ўсмирларида фаол ижтимоий фаолиятни шакллантириш муаммоларини ҳал этищдаги асосий шахслар бўлиб, уларнинг педагогик-ишбилармонлик тарбиявий ишларни амалга оширишлари талаб этилади.

Шундай қилиб, мактабнинг маҳалла билан ҳамкорлик секторида директор томонида мактабдаги барча ўқув-тарбия ишлари режаларига маҳаллий табиат материали асосида ўқувчиларни эстетик-экологик тарбиялаш ижтимоий муаммосини ҳал этиш, табиатнинг фаровонлигига бағишланган ижтимоий-фаолиятли ишлар ва тадбирларни – маҳалла, маҳалла тарбиявий, жамоатчилик комиссиялари билан ажралмас ҳамкорликда ташкил этиш киритиш кўзда тутилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Измайлов А.Э. Этика и педагогика семейной жизни в представлениях и идеалах народной мудрости. – Ташкент: Ўқитувчи, 1986. – 208 с.

2. Охрана природы: проблемы и перспективы. – М., 1989. – 99 с.

3. Постановление Президента Республики Узбекистан 03.05.2019 «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы».

4. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» УП-5325 от 02.02.2018.

# ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

**С.НОРБОЕВА,**
*ТерДУ таянч докторанти*

*Мақолада сўнгги йилларда таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, хусусан, талаба-ёшларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришда таъсир кўрсатувчи омилларнинг ўрни борасидаги назарий-методологик қарашлар баён этилади.*

***Таянч сўзлар:** педагогикада "маънавият" тушунчаси, масаланинг тадқиқи, маънавий компетенция.*

*В статье изложены теоретико-методологические подходы к последним событиям в системе образования, в частности роль факторов, влияющих на духовную компетентность студентов.*

***Ключевые слова**: понятие «духовность» в педагогике, изучение предмета, духовная компетентность.*

*The article outlines the theoretical and methodological approaches to the recent development in the edication system, in particual the role of factors affecting students" spiritual competence.*

***Key words:** he concert of "spirtuality" in pedagogy, the study of the subject, spiritual competence.*

Ҳозирги кунда узлуксиз таълим жараёнига жамиятнинг энг асосий ижтимоий-иқтисодий, интеллектуал ва маънавий ривожланиш омили сифатида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар узлуксиз таълим тизимининг жаҳон стандартлари талабига мос кадрларни тайёрлаш муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда, бу эса ўз-ўзидан узлуксиз таълим тизимига, жаҳон талабларига мос келадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатига юксак талаблар қўймоқда.

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандарт даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ 4947-сон Фармони-

нинг[1] "Ижтимоий соҳани ривожлантириш" деб номланган тўртинчи йўналишида мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган. Ушбу масалалар жамиятимизда камол топаётган шахснинг маънавий-ахлоқий етуклик даражасига доир муаммони тўғри ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир.

Шу жумладан, олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабаларни ҳар томонлама жадаллик билан ривожлантириш, уларни янги маънавий-маърифий ва ижтимоий-иқтисодий талабларга доир мўлжални тўғри танлай олишга йўналтирувчи чора-тадбирларни талабга мос тарзда ташкил этишга аҳамият бериб келинмоқда. Чунки:

– жамият ривожланиш тенденциясининг юқорилиги, ўз навбатида, ҳаётнинг тез ўзгарувчан шароитларида маънавий компетентликни муваффақиятли ривожлантиришни;

– маънавий компетентлик ва ўзаро биргаликдаги самарали ҳаракатнинг кенгайиши оқибатида талабалардаги коммуникабеллик ва толерантликни таркиб топтиришни;

– глобал муаммоларнинг ўсиши, иқтисодий ва сиёсий интегрциянинг таъсири натижасида талабалардаги замонавий фикрлашни шакллантиришни талаб этади.

Ҳолбуки, олий таълимда таҳсил олаётган талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришга бир қанча глобал омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқдаки, улар қуйидагилардир:

– таълим олишга нисбатан оммавий интилиш;

– жамиятда янгидан-янги билим соҳаларининг шаклланиши. Яъни жамият ва технология ривожланиш динамикасининг жадаллик билан ривожланиши эвазига ўзида мунтазам равишдаги фундаментал таълимнинг янгиланиши ва тўлдиришини талаб қилади;

– жамият эҳтиёжлари ва олий таълим талабаларига билим беришнинг мазмун-моҳияти, тузилиши, шакл ва методларининг хилма-хиллиги;

– давлат томонидан таълимни маъмурий бошқаришнинг либераллашуви;

– инновацион таълим технологияларининг ривожланиши;

– ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг таълим хизматлари бозори интернационаллашуви билан боғлиқ ҳолдаги глобаллашуви ва бошқалар.

Талаба-ёшларнинг маънавий компетентлигини ривожлантириш масаласи ҳақида фикр юритганда, энг аввало, муаммога доир "маънавият", "маънавий эҳтиёж", "маънавий бурч", "маънавий ворислик",

"маънавий маданият", "маънавий мерос", "маънавий фазилатлар" каби асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш зарур бўлади.

Маънавият кенг қамровли тушунча бўлиб жамият ва миллат равнақининг бош омили ҳисобланади. Маънавият тушунчаси таркибий тузилишини таҳлил қилар экан, Э.Юсупов шундай хулосага келади: "Маънавиятнинг моҳиятини белгиловчи тўрт таркибий қисми бор. Бу: а) ахлоқ ва одоб; б) шулар асосида, амалий меҳнат жараёнида юзага келган билим, илм, амалий малакалар, истеъдод, қобилият; в) ахлоқий, илмий етукликнинг натижаси бўлган иймон, эътиқод, виждон, инсоф, ихлос; г) инсон билимлари, амалий тажрибасини умумлаштиришга, фаолиятига йўналиш беришга қаратилган дунёқараш ва мафкурадир"[5]. С.Очил Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов асарларидаги фикр ва ғояларни таҳлил қилиб, маънавиятнинг қўйидаги таркибий қисмларини кўрсатади: маданий – маърифий юксаклик; ижтимоий – дидактик тараққиёт; фалсафий – педагогик ўсиш; иймон – эътиқоднинг бутлиги; миллий одоб – ахлоҳ нормаларига тўла риоя қилиш; илм – маърифатли бўлиш; инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик; миллий қадриятларга муҳаббат; фидоийлик, мардлик, жасурлик; Ватан ва халқ мустақиллигини доимий равишда ҳимоя қилиш ва унга хизмат этиш; аждодлар ва уларнинг меросига чуқур ҳурмат ва шу кабилар[3].

Маънавият масаласи ёритилган адабиётлардан маълум бўладики, талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни икки – ижобий ва салбий турларга ажратиш мумкин (1-расм).




1-расм. Ўқувчи-ёшларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар

Маънавий таҳдиднинг “оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш ҳамда шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган шакллари ҳам мавжуд. Талабалар маънавий тақдидларга нисбатан лоқайдлик, бепарволик ва беғамлик иллатларидан халос бўлишлари, юртимизда, жаҳонда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодиса, жараёнлар менга, менинг тақдиримга бевосита даҳлдор деб ҳисобламоғи лозим. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Шу боис ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг долзарб вазифаси, десак ҳеч қандай хато бўлмайди”[2].

Маънавий заифлик – маънавий ҳаёт ҳодисаси, жамият, давлат ёки халқнинг маънавий масалаларда уюшмагани маънавиятга етарлича эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзбўларчиликка йўл қўйгани натижасида содир бўладиган ижтимоий-ғоявий ожизлик ҳолати[4]. Маънавий заифлик халқ оммасининг туб манфаатлари ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган миллий ғоянинг, илмий асосда ташкил этилган, пухта ўйланган ва мунтазам олиб бориладиган маънавий тарбия тизимининг яратилмагани ёки ижтимоий ҳаётда амалий ифода топмагани натижасида ҳосил бўлади. Шу боис, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, мамлкатимизда халқ маънавий компетентлигини юксалтириш борасида қатор ишлар қилинаётгани, собиқ тоталитар тузум шароитида жамият тафаккурида шаклланган маънавий заифлик жиҳатларини миллий менталитетга мос бўлган маънавий-ахлоқий жиҳатлар билан тўлдириш бўлса, иккинчи томондан онги ва дунёқараши эндигина шаклланаётган ёшларда маънавий заифликка йўл бермаслик, ҳар томонлама баркамол авлодни ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлиги қувонарлидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни беришимиз мумкин:

1) ўқувчи-талабаларнинг қобилияти, интеллектуал салоҳиятини

ҳисобга олиб вазифалар бериш орқали ижобий хислатларини шакллантириб салбий хислатларни бартараф ва ўз “Мен”ини топишга ёрдам бериш;

2) ўқувчи-талабаларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиш ва китобни тўғри танлаш маданиятини ошириш орқали хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётларда аждодларимиз ҳақидаги маълумотларни тўғри талқин қилинишига ёрдам бериш;

3) ўқувчи-талабаларни маънавий-маърифий тадбирларга жалб қилиш орқали уларда маънавий компетентлигини ривожлантириш ва ижтимоийлашувини таъминлаш;

4) ўқувчи-талабаларини таълим жараёнида эркинлаштириш орқали мустақил фикрини ҳимоя қилишга ўргатиш ва билим олишга бўлган мотивни уйғотиш.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.116-117

3. Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўҳитувчи, 1997. – Б.208

4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати // тузувчи ва масъул муаррир Қ.Назаров. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010 – Б.303.

5. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. – Б.34.

# УЗЛУКСИЗ ТАЬЛИМ ТИЗИМИДА БЎЛАЖАК ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛИЙ, ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**_Р.Б.ЯРМАТОВ,_**
*Жиззах ДПИ Тарих факултети, фалсафа доктори (PhD)*

*Ушбу мақолада узлуксиз таьлим тизимининг барча бўғинларида бўлажак тарих фани ўқитувчиларининг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ҳамда уларни ташкилий, психологик-педагогик такомиллаштириш масалаларига эьтибор берилган.*

***Таянч сўз ва иборалар.*** *Илмийлик, эмпирик таҳлил, илмий-билиш фаолияти, узлуксиз таьлим, психологик-педагогик такомиллаштириш, мантиқий методлар.*

*This article focuses on the development of educational and research activities of future history teachers at all levels of the continuing education system and their psychological and pedagogical improvement.*

***Key words.*** *Scientific, empirical analysis, scientific-cognitive activity, continuous education, psychological and pedagogical improvement, logical methods.*

*Данная статья посвящена развитию образовательной и исследовательской деятельности будущих учителей истории на всех уровнях системы непрерывного образования и их психологическому и педагогическому совершенствованию.*

***Ключевые слова.*** *Научный, эмпирический анализ, научно-познавательная деятельность, непрерывное образование, психолого-педагогическое совершенствование, логические методы.*

Мустақилликка эришилган йиллардан бошлаб мамлакатимизда улкан ишларни амалга ошириш мақсад қилиб олинди. Улар орасида энг асосий вазифалардан узлуксиз таьлим тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш эди. Юртбошимиз Ш.Мирзиёев таькидлаганидек: “Биз таьлим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги вактда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч качон йукотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.” Шунингдек, махсус курслар тизими остида биз бўлажак тарих ўқитувчиларининг олий таълим муассасаларида бутун ўқиш даврларида муаммолардан бирини чуқурлаштирилган ўрганишларига йўналтирилган, эрта ихтисослаштиришга, касбий

илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши ва келгуси такомиллаштирилишига кўмаклашувчи, талабани бўлажак касбий фаолиятга "олиб борувчи" ва касбий маҳоратни шакллантириш базаси ҳисобланган ўқув, илмий-тадқиқот фаолиятининг ташкилий структураларининг бирлигини тушунамиз.

Бугунги талабанинг эртанги мутахассис, бунинг устига, фарзандларимизга сабоқ берадиган инсон эканини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг онгли касб танлашларига эришиш, олий ўқув юрти талабаларига муваффақиятли мослашувларига ёрдамлашиш лозим.

Тарих факультетида махсус курслар тизимини ташкил этишга асосий талабларга биз қуйидагиларни таклиф қиламиз: илмийлик; талабаларнинг ўқув ва тадқиқот ишлари бирлиги; мавзу ва мазмуннинг узвийлиги; талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этишга индивидуал-дифференциациялашган ёндашув.

1. Илмийлик. Талабаларни илмий-билиш фаолиятига жалб этиш ва тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш ўқув жараёни, тадқиқотчилик компетентлигининг яхлитлигини тушунишни шакллантиришга ёрдам беради. Ҳодисаларнинг моҳияти ва ўзаро боғлиқлигини чуқур англаш тадқиқотчилик фаолиятининг назарияси ва амалиётини эгаллашни назарда тутади ва бу талабаларнинг нафақат илмий ҳақиқатни қабул қилишни билишларини, балки илмий билиш методларини ўзлаштиришларини талаб этади. Шунинг учун, агар кичик курсларда (1-2 курслар) талабаларни илмий тадқиқотга тайёрлашнинг дастлабки асосларини ўргансалар, катта курсларда (3-4 курслар) илмий тадқиқот кўникмаларини шакллантиришнинг фаол жараёни кечади.

2. Талабаларнинг ўқув ва тадқиқот ишлари бирлиги. Фақатгина талабаларни узоқ муддатли ва тизимли касбий-тадқиқотчилик фаолиятига киритиш билангина мазкур ихтисосликдаги бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифатини баҳолаш мумкин. Етакчи талаблардан бири сифатида мазкур талабни ажратиш талабаларнинг ОТМда таълим олишларида уларнинг ўқув ва тадқиқот ишлари бирлигидан иборат бўлган тадқиқотчи фаолиятининг ўзига хослиги билан белгиланади. Шунга кўра, махсус курслар тизими талабаларни ўқув топшириқлари асосида аста-секин тадқиқотчилик ижодига киритишни; ОТМ ўқитувчиси раҳбарлигида тадқиқот амалларини ўзлаштириш, касбий тадқи-

қотчилик тажрибасини тўплашни назарда тутади, чунки талабанинг ўзи тадқиқотчилик фаолиятининг функционал компонентларини амалга оширишнинг бутун яхлитлигида унинг субъекти ҳисобланади.

3. Махсус курслар мавзулари ва мазмунининг узвийлиги. Мазкур талаб талабаларни тадқиқотчиликка тайёрлашнинг дастурий-мақсадли ва касбий йўналганлиги билан таъминланди. Таълимнинг узвийлигини таъминлаш учун махсус курслар тизимида амалга оширилган ишлар аниқ таълим курслари бўйича режалаштирилади ва мақсадга йўналтирилади. Тадқиқотчилик топшириқларининг кетма-кетлиги уларнинг мазмунининг мураккаблиги ва кейинги топшириқларнинг аввалгилари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашда раҳбарлик даражаси билан белгиланади.

4. Талабаларнинг ўқув-илмий-тадқиқот фаолиятларини ташкил этишга индивидуал-дифференциациялашган ёндашув. Талабаларни махсус курслар тизими орқали мустақил педагогик тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш улардан ҳар бири учун фақатга унга хос бўлган муаммони идрок этиш хусусиятлари ва уни ечиш йўлларини излашни очиб беришга кўмаклашувчи шароитларни яратишни назарда тутади. Шунинг учун махсус курслар тизими доирасида тадқиқотчилик фаолияти шундай ташкил этилиши керакки, бир томондан у қўйилган вазифани ҳал этишга мўлжалланиши, бошқа томондан эса қўйилган муаммони ечишдаги шахсий қизиқиши, фаоллигини намоён этишга ёрдам бериши керак. Ҳар бир курсда талабалар ўз қизиқишлари, билимлари, характер хусусиятларига мос равишда тадқиқотчилик топшириқларини танлаш имконига эга бўладилар. Бундан ташқари, босқичма-босқич ўқитиш ўқувчиларнинг кўникмаларни эгаллашларининг эришилган даражаси ва мазкур курсда уларни кейинги такомиллаштириш дастурини ҳисобга олган ҳолда олиб борилди. Маълумки, индивидуал-дифференциациялашган ёндашув – бу ўқитишга шундай ёндашувки, унда махсус курснинг ҳар бир талабаси ўз қизиқиши, қобилиятлари, унинг ички мотивациясига, унинг танлаш фаоллигига мос бўлган фаолиятга жалб этилади. Махсус курсларнинг муайян илмий муаммоларни кўриб чиқиш, талабаларни тарихий ҳодисаларнинг таҳлилида янги маълумотлар, сўнгги ютуқлар билан бойитишдан ташқари талабаларнинг мустақил равишда билиш жараёнларини, тадқиқот воситалари ва усуллари-

ни эгаллаш кўникмаларини сингдириш вазифалари белгиланди.

Мазкур махсус курслар тизимини лойиҳалаштириш ва амалга оширишда биз Н.К.Чапаев ва А.С.Просвиров томонидан ишлаб чиқилган интегратив тадқиқотлар методлари тизимидан шакллантирилади. Тарихий, иқтисодий, ахборот, филологик, ҳуқуқий билимларнинг интеграциясининг таҳлили учун қуйидагилардан ташкил топган бутун тадқиқотчилик амаллари мажмуи қўлланилади:

– матнларнинг эмпирик таҳлили методлари (тарихий билим билан интеграцияланган фанлар таҳлили, илмий ҳаволалар, нашрлар ёрдамида интеграцияни ўрганиш);

– тушунчаларнинг мантиқий методлари (тадқиқотнинг мантиқий-методологик воситалари сифатида асосий тушунчаларни очиб бериш);

– категориал синтез методи (тадқиқ этилаётган белгилар ва тавсифларни мезонда бирлаштириш);

– интегратив йўналган умумназарий методлар (турли табиатга эга билимлар элементлари мажмуидан синтезланган янги назарий тасаввурларни мақсадга йўналтирилган қуриш методи; турли табиатдаги жараёнлар диалектикаси учун фундаментал қонунларнинг умумийлигига асосланган аналогиялар методи);

– фикрий тажриба-синов методи (функциялар, умуман қисмларнинг эҳтимолий сифатларини аниқлаш мақсадида фикран ўзгартириш. Масалан, тарихий ва иқтисодий билимларнинг интеграцияси омиллари таҳлили жараёнида биз бўлажак тарих ўқитувчиларини касбий тайёрлашга тарихий-иқтисодий компонентларни киритиш фанлараро алоқадорлик шароитларида профессионаллик муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради деб тахмин қиламиз).

Замонавий таълимий жараённинг принципиал масаласи – таълим олувчилар билимларини назорат қилишнинг методлари ва шакллари ҳисобланади. Тарих ўқитувчисини тайёрлашда мазкур масала айниқса долзарб, чунки тарихчини тайёрлашнинг ўзига хослиги мустақил ишлашнинг (тарихий манбаларни ва илмий адабиётларни ўрганиш) катта улуши ҳисобланади. Бунинг учун фаолиятнинг барча турларида бошқариладиган мустақил таълим вазиятларини яратиш, бошқариладиган мустақил таълим вазиятларини яратиш орқали мустақил ишларни назорат қилишни ташкил этиш зарурдир.

Олий таълим муассасаларининг бутун ўқув-тарбиявий жараёни каби махсус курслар тизимининг марказида талаба шахси, унинг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш туради. Махсус курслар тизими доирасида амалга ошириладиган касбий таълим нафақат билим, кўникма, малакаларни шакллантириши, балки бўлажак тадқиқотчини мутахассис сифатида ўз-ўзини аниқлаши, ҳаётий ёндашувини ҳосил қилишига "етаклаши" керак. Ҳар бир талаба – бу ноёб шахсдир. Ўқитиш йиллари давомида биз унда олий қадрият сифатида ўз-ўзига ва атрофдаги инсонларга (жумладан, бўлажак ўқувчиларига) муносабатини шакллантирамиз. Шунинг учун махсус курслар тизимида ўқитиш технологиясини биз ижодий жараённи мустақил бошқариш кўникмасида ифодаланувчи, талабаларни фаол таълимий муҳитга киритиш орқали шахсий-фаолиятли ёндашувни амалга ошириш билан боғлаймиз. Тўғри ташкил этилган таълимий жараён нафақат дастлабки ижодий имкониятни ривожлантиришга, балки келгуси ўз-ўзини англаш, ижодий ўз-ўзини ривожлантириш, инсонда объектив ўз-ўзига баҳосини шакллантириш эҳтиёжини ҳосил қилишга ҳам имкон беради. Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш керакки, у ўрганилаётган материални эслаб қолишга эмас, балки кўпроқ талабаларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси. –Т.: "Шарқ", НМК, 1999.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент. –Ўзбекистон.–2017.
3. Степанов В.Р. Методика определения профессионального уровня преподавателя. – Чебоксары, Клио, 1994.
4. Д. Мукумова. Бугунги талаба – эртанги мутахассис. // Бола ва замон.-2018.-№3. -30 бет.
5. З.Назарова. Узлуксиз таьлим жараёнида инновацион технологияларини жорий этишнинг тизимли ёндашуви. // Таьлим, фан ва инновация. -2018. - №2. -60 бет.

# ТАЪЛИМ МЕНЕЖЕРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

**Д.И.ҚОДИРОВА,**
*ҚҲТТИРПКМОҚТИ катта ўқитувчиси*

*Ушбу мақолада таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини такомиллаштиришда касбий компетентликни роли ҳамда креативлик тушунчалари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, таълим менежментининг вазифалари касбий компетентлик ва креативлик компетенцияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Мақолада инновацион таълимнинг сифати ва уни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларга тўхталиб ўтилган. Мазкур мақолада раҳбарларда креативлик ва компетентликни шакллантириш масалалари ҳам ёритилган.*

***Калит сўзлар:** компетентлик, креативлик, ассоциатив, эмоциональ, вербал, махсус ва касбий компетентлик, креатив компетентлик, технологик компетентлик, экстремал компетентлик, информацион компетентлик, коммуникатив компетентлик , инновацион компетентлик.*

*В данной статье изложено понятия креативности и роль профессиональной компетентности в совершенствовании инновационной деятельности образовательных учреждениях. Кроме того, рассматриваются задачи образовательного менеджмента с точки зрения профессиональной креативности и компетентности. Рассмотрены факторы, вляющие на качество инновационного образования и пути его развития. В статье также раскрываются задачи формирования криативности и компетентности руководителя.*

***Ключевые слова:** Компетенция, креатив, ассоциатив, эмоциональ, вербал, специального и среднего компетенция, креативный компетенция , технологичеcкый компетенции, экстремальный компетенция, информационный компетенция, коммуникативный компетенция, инновационый компетенция.*

*This article outlines the concept of creativity and professional competency in improvement innovative activities in educational institutions. Besides, educational management is considered from point of professional and creative competence. Overviewed the factors which affect the quality of innovative education and ways of developing it. The article reveals the formation of creativity and competence of the leader.*

***Key words:** competence, creativity, associativity, emotional, verbal, special and professional competence, creative competence, technological competence, ectremal competence, information competence, communicative competence, innovative competence*

Таълим тизимини бошқаришда таълим сифатига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш, таълимда менежерлик фаолияти ва уни ташкил этиш, бошқарувда вақт менежменти, раҳбарнинг иш кунини оқилона режалаштириши, ходимлар билан муносабатларни самарали таш-

кил этиш, раҳбарнинг ташкилотчилиги ва етакчилиги, замонавий раҳбар имиджи ҳамда раҳбарнинг ўзини ўзи камол топтиришга интилиши каби долзарб масалаларнинг амалий ечимини излаш ва уни илмий жиҳатдан асослашга жуда муҳимдир.

Таълим тизимида инновацион фаолиятни такомиллаштириш, таълим мененжерининг креатив салоҳияти, раҳбарларда креатив компетентликни шакиллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, бошқарув вазифаларни ҳал этишда креативлик каби масалаларни ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашиш зарурий эҳтиёжга айланади.

Инглизча «competence» тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита «қобилият» маъносини ифодалайди. Мазмунан эса «фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш»ни ёритишга хизмат қилади. Психологик нуқтаи назардан компетентлик «ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик»ни англатади.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас ,балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги аҳборатларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай олишни тақазо этади.

Компетентлик ва креативлик хотиранинг турларига ва принципларига боғлик:

1. Ҳаракат орқали - бунда одам беихтиёр ҳаракатлари орқали ахборотни эслаб қолади, ёзиш, чизиш ёки юриш ва ҳ.к;

2. Кўриш орқали – одам ахборотни китобда, буюмда, плакатда, юз ифодасида ва ҳ.к.

3. Эшитиш орқали – мусиқа, нутқ, маълум бир товушлар туфайли эслаб қолади;

4. Мантиқий – янги ахборотни англаш орқали;

5. Ассоциатив – янги ахборотни эскиси билан ўхшаш ёки фарқли

томонларини солиштириш орқали.

6. Эмоциональ – янги ахборот маълум даражада (ижобий ёки салбий) ҳиссиёт чақиради.

7. Вербал ва образли - кичик ёшдагилар учун кўргазмали (образли) ахборотлар, катталарда мантиқий (вербал) хотира аҳамият касб этади.

Таълим менежерининг касбий, коммуникатив, психологик, ташкилотчилик, информацион, креативлик ва инновацион компетентлиги.

Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

Таркибий асослар:

Махсус ва касбий компетентлик (касбий фаолиятни юқори даражада ташкил этиш),

Ижтимоий компетентлик (қўшимча фаолиятни ҳамкорликда ташкил этиш ) Шахсий компетентлик (ўз – ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини намоён этиш Индивидуал компетентлик (ўз-ўзини бошқариш, касбий ривожланиш ва янгиликлар яратиш).

Психологик компетентлик-педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнини бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш.

Методик компетентлик–педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш,таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мазсадга мувофиз танлай олиш, методларни самарали зўллай олиш, воситаларни мувоффазиятли зўллашдир.

Информацион компетентлик–ахборат муитида зарур, муим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш , саралаш, зайта ишлаш ва улардан мазсадли фойдаланиш.

Креатив компетентлик-педагогик фаолиятга нисбатан танзидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олишни англатади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юзори даражада зўллай олинишидир. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алозида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ар бир мустазил йўналиш бўйича

интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда.

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

2) методик компетентлик – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

Информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

Креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш;

Инновацион компетентлик – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга

муваффақиятли татбиқ этиш;

Коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

Хулоса қилиб айтганда таълим менежерининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг зарурий шарт-шароитларини яратиш таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. The innovative e-education texnologiyalari / Muslimov N. A. Osmonbaeva M. ., Sivurov D. M., Trew A. B. - T.: «Sano standard» nasrati, 2015. - 81-b.
2. The innovative e-education texnologiyalari / Muslimov N. A. Osmonbaeva M. )., Sivurov D. M., Trew A. B. - T.: «Sano standard» nasrati, 2015. - 81-b.
3. Muslimov N. A., and be Bashkortostan. Profession / monograph training. - T.: «Theme and technologies» publishing house, 2013.
4. Sayedahmed N. Pedagogy pedagogy maarat VA technology. – T: the Central pedagogic Institute, 2003.
5. Faizullayeva N. Pedagogik bilimlar-reactivates career, based on / / Uzluksiz TA'lim Zh. - T.: 2006. 6 is a dream. - 102-b.
6. Holes L. V., fayzullaeva M. D. Pedagogy technology loyihalari VA realisties: UV uslubi thanme. Innovations e-education technology series. – T: «Iktisodiy» of Nasr., 2011. 206 b.
7. R.Ishmuhametov, M. Mirzaliev. UV arenida innovative e-education texnologiyalari. - T. «Fan va texnologiya», 2014, 60 p.

# ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА КАСБИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ

***Х.Ш.КАДИРОВ,***
*ТДПУ, п.ф.д (PhD), доцент*

*Мақолада касбий муҳим сифатларнинг ўзига хослиги ва зарурати таҳлил қилинган. Касб таълими ўқитувчисининг касбий сифатлари таснифланган, бу борадаги мавжуд манбаларга, илмий хулосаларга муносабат билдирилган. Педагогик таълим жараёнида ўқувчи-ёшларда касбий муҳим сифатларни шакллантиришнинг узвийлик ва узлуксизлик принципларига таяниши назарий асосланган.*

***Калит сўзлар**: касб, касбий фаолият, касбий муҳим сифат, касбий қобилият, узлуксизлик, узвийлик, педагогик тавсифнома, психологик тавсифнома, мақсадли функция.*

*В статье анализируются особенности и потребности профессиональных качеств. Профессиональные качества учителя профессионального образования были классифицированы, даны научные выводы в этом отношении и ссылки на доступные источники. Теоретически обоснованныпринципы преемственности педагогического образованияв формирования профессиональных качеств учащихся в образовательном процессе.*

***Ключевые слова:** профессия, профессиональная деятельность, важные профессиональные качества, профессиональные способности, преемственность, непрерывность, педагогическая характеристика, психологическая характеристика, целенаправленная функция.*

*The article analyzes the features and needs of professional qualities. The professional qualities of a teacher of vocational education were classified, scientific conclusions in this regard and links to available sources were given. The principles of continuity of teacher education in the formation of professional qualities of students in the educational process are theoretically grounded.*

***Key words:** profession, professional activity, important professional qualities, professional abilities, continuity, continuity, pedagogical characteristic, psychological characteristic, purposeful function.*

Касбий қобилиятлар шахснинг касбий муҳим сифатларибилим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида ривожланади. Уларни шакллантириш ва зарурий даражага эришиш биринчи навбатда, амал-

да қўлланаётган ўқув-услубий воситаларнинг касбий, психологик ва дидактик талабларга мослиги, узлуксиз такомилига боғлиқ бўлади.

Касбий фаолиятга тайёргарлик барча меҳнат соҳаларида катта аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни шакллантиришни қамраб олади. Уларни шакллантириш узвийлик ва узлуксизлик принциплари асосида амалга оширилади, яъни мактабгача таълим ёшидан бошланади ҳамда бошланғич, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий касбий таълим тизимида давом эттирилади. Меҳнатга ҳурмат ва қизиқиш, ўқиш ва меҳнат қилиш жараёнида вужудга келадиган қийинчиликларга чидамлилик ва уларни бартараф қилишда сабр-тоқатлилик ва тиришқоқлик,фаолиятни пухта ўйлаб амалга ошириш ва асослаш, ўзига нисбатан талабчанлик ва танқидий фикрлаш, интизомлилик, жамоада ишлай билиш ва бошқаларни шахсий сифатлар қаторига киритиш мумкин. Маълумки, ишлаб чиқариш таълимида ўзлаштириш натижаси кўпинча шахсда бу сифатларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Ўқувчи-ёшларда ана шу шахсий сифатлар шакллантириш ва ривожлантириш касб таълими ўқитувчисининг биринчи галдаги вазифаларидан ҳисобланади. Мутахассис салоҳиятини белгиловчи касбий муҳим сифатларни шакллантириш умумий ривожланиши негизида рўй беради ва унга боғлиқ бўлади. Бунда кўпинча мавжуд бўлган, лекин талаб қилинмаган сифатлар жонлантирилади, яхши ривожланмаган сифатлар «уйғотилади» ва кучайтирилади.

Касб таълими ўқитувчисининг касбий муҳим сифатлари ўрганилиши натижасида лозим бўлган ишчилар меҳнат характерини ўзгартириш таъсири ўзгаради. Ишчи кучи бозори, афтидан, бироз бошқача сифатларни: касбга эгаликни, меҳнат натижалари учун жавобгарлик юқорилигини, нафақат касб, балки ижтимоий ҳаракатчанликни ва индивидуалликни талаб қилади. Бу ерда кишининг жамоатчиликка боғлиқлиги, унинг ўз кучларига таянган, аввало ўзига ишонган ҳолда яшаш ва ҳаракат қилишга тайёрлигини ифодаламайдиган ижтимоий ба?олаш тарафдорлиги каби сифатлар устунлик қилади.

Касб таълими ўқитувчиси юқори даражасига энг тўлиқ мос келиши мумкин бўлган ўзининг касбий муҳим сифатларини таклиф қилиш учун унинг фаолиятини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш ҳамда уни амалга ошириш учун зарур бўлган касбий муҳим сифатларни таснифлаш

зарур.

В.П.Симонов касбий муҳим сифатлар рўйхатини ўқитувчи шахсининг касбий жиҳатлари билан белгилайди ва қуйидагиларни ажратиб кўрсатади:

Бизнингча, бу ерда касб таълими ўқитувчисининг тадқиқотчилик сифатларини ҳам кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, чунки тадқиқотчилик фаолияти касбий таълим ва бошқа ҳар қандай таълим йўналишининг тизимининг узвий ажралмас қисми ҳисобланади.Бундан ташқари, илмий йўналишдаги ишлар жамият ривожланишининг ҳозирги замон босқичи, глобаллашган жамиятда педагог учун ҳам, муҳандис учун ҳам долзарб қисобланади.

Фанда олимларнинг психологияси, шахсий хусусиятлари жуда кўп ўрганилган бўлиб, улар турли нуқтаи назардан кўриб чиқилган. Олимларнинг ўз соҳасида эришган мавқеини унга одамлар ва ҳодисалар таъсири билан изоҳланадиган жараён сифатида кўриб чиқиш иккита бирбиридан фарқ қиладиган ёндашув доирасида олиб борилади. *Биринчи ёндашув* – шахсга йўналтирилган ёндашув бўлиб, шахсий қизиқишлар, афзал кўришлар ва қобилиятларни биринчи ўринга қўяди, иккинчи ёндашув эса мулоқот ва ижтимоийлашув жараёнларига олимни шакллантириш омиллари сифатида асосий эътибор қаратади. Шахсга йўналтирилган ёндашув доирасида асосий эътибор турли раҳбатлар, мотивация ва бошқа одамлар билан мулоқот натижасида илмий карьера танлаш қарори қандай шаклланишига, бу қарор қай даражада эрта ёшда қониқиш олиб келган фаолият турларини акс эттиришига ва бу танлов билан боғлиқ кутилаётган натижалар қандайлигига қаратилади.

*Иккинчи ёндашувд*а ушбу касбнинг ижтимоий мақоми, кутилаётган ижтимоий мукофотлар ва шахсни бу йўлда кутиб турган раҳбатлар жуда муҳимдир. Ижтимоийлашув жараёнида бошланғич мақсадлар ва кутилаётган натижалар янги тажриба, билимлар ва ўзгарувчан шароитлар нуқтаи назаридан доимий тузатишлар киритиб турилади, бунда эрта ёшда таълим жараёнида шаклланган шахснинг онгли ва онгсиз жиҳатлари ҳам қайта қурилади.

Энди касб таълими ўқитувчисининг касбий муҳим сифатлари таснифларини таҳлил қиламиз. Илмий тадқиқот ишларида касбий муҳим сифатларнинг турли рўйхатлари келтириб ўтилган. Қуйидаги ана шундай кас-

бий муҳим сифатлар рўйхатларнинг бир нечта варианти келтирамиз.

Ижтимоий-психологик сифатлар

• қадриятларга йўналганлик сифатлари;

• ахлоқий сифатлар;

• мулоқотмандлик сифатлари;

• амалий сифатлар.

Психофизиологик сифатлар

• эмоционал-иродавий сифатлар;

• интеллектуал сифатлар;

• темперамент хусусиятлари.

Касб таълими ўқитувчисининг психологик тавсифномасига мураккаб талаблар қўйилади. Бу ихтисослик йўналишига кўра, айни бир вақтнинг ўзида ҳам гуманитар, ҳам техник ҳисобланади. Касб таълими ўқитувчиси кенг дунёқараш, ижтимоий оптимизм ва юқори маъсулият ҳиссига эга бўлиши лозим. Бу хусусиятларнинг ҳар бири ўзича мураккабдир.

Таҳлил натижаларига асосланиб, хулоса қилишимиз мумкинки, касб таълими ўқитувчисининг мақсадли функциялари деярли тўлалигича педагогик функциялар ҳисобланади, унинг касбий муҳим сифатлар рўйхатларида эса педагогик йўналганлик сифатлари устунлик қилади. Шундай қилиб, мутахассиснинг касбий тайёргарлигини таълим соҳасидаги фаолиятга қайта йўналтириш имкони туғилади (1-жадвал).

Касб таълими ўқитувчисининг биз таҳлил қилган фаолияти тузилмасидаги мақсадли функциялар – таълим, тарбия, ривожлантириш ва мотивация функциялари, соф педагогик функциялар ҳисобланади. Шунингдек, бизнингча, касб таълими ўқитувчиси фаолият тузилмасига *яна учта мақсадли функция: тадқиқотчилик, ишлаб чиқариш-технологик ва тадбиркорлик функцияларини киритиш* мақсадга мувофиқ. Касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида ташхис ўтказиб, уларда ана шу сифатларни ривожлантиришга эътибор қаратиш зарур. Бу функциялар мазмуни жамиятдаги замонавий иқтисодий вазиятга мос келиши лозим. Шундай қилиб, касб таълими ўқитувчисининг мақсадли функциялари орасидан энг муҳимларини алоҳида ажратиб кўрсатамиз:

• мотивация функцияси (ҳам муҳандислик, ҳам педагогик ихтисосликлар учун хос);

• учта муҳандислик: конструкторлик-тадқиқотчилик, ишлаб чиқа-

риш-технологик ва тадбиркорлик функцияси;

• учта педагогик: таълим, тарбия ва ривожлантириш функцияси.

Мазкур ҳолатда ушбу таълим йўналишининг малакавий соҳасидаги мувозанатга риоя қилинади.

Юқоридаги мулоҳазаларга кўра айтиш мумкинки, касбий муҳим сифатлар мутахассиснинг шахсий ва касбий камолотида муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан, касбий сифатларни шакллантириш узлуксиз жараён саналади. Педагогик таълим мазкур жараёнларнинг узвийлигини, такомилини таъминловчи, мувофиқлаштирувчи асосий омил саналади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуқуддусов О., Рашидов Х. Касб-ҳунар педагогикаси. Ўқув услубий қўлланма. – Т., 2011.

2. Сайидахмедов Н., Абдувохидов С. Касб таълими ўқитувчисининг педагогик фаолияти модели. –Т.: Фан ва технология, 2014.

3. Қосимов Ш. Касб-ҳунар коллежларида амалий касбий таълимни ташкил этишнинг илмий-педагогик асослари. – Т: “Фан ва технология”, 2014.

4. Сламбекова Т., Агзамова Г. Профессионально-личностные качества будущех педагогов “Науковікоференції” Украина 2014.

# ВАЖНОСТЬ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

***А.В.ШИН,***
*к.п.н.*

*Главной целью инновационных технологий образования является подготовка человека к жизни в постоянно меняющемся мире. Сущность такого обучения состоит в ориентации учебного процесса на потенциальные возможности человека и их реализацию. Образование должно развивать механизмы инновационной деятельности, находить творческие способы решения жизненно важных проблем, способствовать превращению творчества в норму и форму существования человека.*

***Ключевые слова**: Инновационные технологии, профессиональный колледж, образование, методы обучения.*

*The main goal of innovative educational technologies is to prepare a person for life in an ever-changing world. The essence of such training is to orient the educational process towards the potential of a person and their implementation. Education should develop mechanisms of innovative activity, find creative ways to solve vital problems, and contribute to turning creativity into a norm and a form of human existence.*

***Key words:** innovative technologies, professional college, education, teaching methods.*

